

Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик Сиёсат масалалари бўйича қўлланма



Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик

Сиёсат масалалари бўйича қўлланма



Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Мазкур қўлланма илк мартаба 2019 йилда «Freedom of Religion or Belief and Security Policy Guidance» сифатида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) томонидан инглиз тилида нашр қилинган. Ўзбек тилидаги маътн норасмий таржима бўлиб ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан таржима қилинган, тайёрланган ва чоп этилган. Агар мант ўқилишида фарқлар бўлса, инглиз тилидаги нашрга якуний ва расмий сифатида мурожаат қилинг.

Таржимон: Карим Баҳриев

Муқова дизайни ва безатиш: Homework

Муқовада тасвирланган тўқима арқон дин ёки эътиқод ва хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлиги рамзи бўлиб, тўқилган арқон ипларининг чатишиб кетганлиги каби ўзаро боғлиқлигини англатади. Бу тимсол профессор Бретт Шарффс томонидан нашрга тайёрлаш жараёнида таклиф этилди.

Польшада Poligrafus Jacek Adamiak компанияситомонидан нашр этилди

Мундарижа

Миннатдорчиликлар.....	4
Кириш	5
1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЕХХТ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ХАВФСИЗЛИКНИНГ КОМПЛЕКС КОНЦЕПЦИЯСИ	10
2. ЕХХТНИНГ ДИН ҲАМДА ЭЪТИҚОДЛАР ЭРКИНЛИГИ СОҲАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР	14
3. ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИК: ДАСТУРАМАЛ ТАМОЙИЛЛАР.....	25
4. ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИККА ДОИР САВОЛЛАР ҲАМДА ТАВСИЯЛАР	36
<i>4.1. Диний жамоатларни ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларни рўйхатга олиш ҳамда рўйхатга олишни бекор қилиш ва хавфсизлик</i>	<i>37</i>
<i>4.2. «Экстремистик» мулоҳазарлар/адабиёт ва хавфсизлик</i>	<i>49</i>
<i>4.3. Ибодат ёки йиғилиш жойларида текишириш, мониторинг ёки тинтув ўтказиш ва хавфсизлик</i>	<i>70</i>
<i>4.4. Ўз динига даъват қилиш ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг фаолиятига, хорижий алоқаларига қўйиладиган чекловлар</i>	<i>84</i>

Миннатдорчиликлар

Мазкур ҳужжат давлатнинг мансабдор шахслари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, диний жамоатлар, муайян эътиқодга амал этадиган жамоатлар, шунингдек илмий ҳамжамиятга алоқадор экспертлар билан батафсил маслаҳатлашувлар давомида тайёрланди. Нашрнинг қоралама нусхалари Олмаота, Брайтон (Бирлашган Қироллик), Брюссел, Варшава, Вашингтон, Вена, Киев, Лондон ва Оттавада 2016 йил октябридан то 2018 йил апрелигача бўлиб ўтган йиғилишларда муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишларда умумий ҳисобда турли мамлакатлардан турлича экспертлик тажрибасига эга бўлган 165 киши (90 эркак ва 75 аёл) иштирок этди. Биз маслаҳатлашувлар жараёнининг барча қатнашчиларига улкан миннатдорчилик билдирамыз. Мазкур ҳужжатни тайёрлаш жараёнида, шунингдек ДИИХБнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги масалалари бўйича экспертлар кенгаши тавсияларидан ҳам фойдаланилди.

Бундан ташқари, ҳужжатни тайёрлашга Сильвио Феррари, Жоэлл Фис, Назила Ганиа, Сьюзен Керр, Бретт Шарффс, Йерон Темпермен, Асма Уддин, Марко Вентура ва Михаэл Винер сезиларли ҳисса қўшдилар.

ДИИХБ, шунингдек Каспий университетига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Комиссияга, Бригам Янг университети Ж. Рубен Кларк номидаги юридик факультетининг Ҳуқуқ ва динни ўрганиш бўйича халқаро марказига; Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университетига, АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссиясига ва Сассекс Университетига ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаши учун миннатдорчилик билдиради.

Кириш

ЕХХТ минтақасидаги динлар ва эътиқодлар турли-туманлиги билан боғлиқ юзага чиқиши мумкин таҳдидлар, шунингдек зўравон экстремизм ва радикаллашув келтириб чиқарадиган, терроризмга олиб борувчи таҳликалар¹, бир томондан, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги билан², иккинчи томондан, хавфсизликни таъминлаш ўртасидаги алоқадорлик масаласини ўта долзарблаштирди. ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар томонидан хавфсизлик соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлари³

-
- 1 Гарчанд ЕХХТ зўравон экстремизм ва терроризмга олиб борувчи радикаллашувнинг тавсифини ҳавола этмаса-да, «терроризмга олиб борувчи радикаллашув»ни шундай кўришади, у «динамик жараён бўлиб, унинг воситасида шахс террористик зўравонликни эҳтимолий ва, балким, ҳатто тўғри ҳаракат тарзи деб била бошлайди. Охир-оқибат, бу шахс, шундай бўлиши шарт бўлмаса-да, терроризмни қўллаб-қувватлаш мақсадларида норозилик билдириш ёки ҳаракат қилишни ёхуд террористик фаолиятда иштирок этишни бошлаши мумкин». Қаранг: Предупреждение терроризма и борьба с насильственным экстремизмом и радикализацией, ведущими к терроризму: подход, основанный на взаимодействии полиции с населением (Бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека), Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2014, с. 17. ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқ, терроризм ва зўравонликка олиб борадиган экстремизм бирор-бир ирқ, этник гуруҳ, миллат ёки дин билан айнанлаштрилиши мумкин эмас ва айнанлаштрилиши керак эмас. Терроризмга қарши кураш бўйича Бухарест ҳужжати шунини кўрсатиб ўтади (Бухарест ҳужжати 2001 й., № 1-Қарор, 3-банд); «Зўравон экстремизм ва терроризмга олиб борувчи радикаллашувнинг олдини олиш ва унга қаршилиқ қилиш тўғрисида» ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 4/15 Декларацияси (Белград, 4 декабр, 2015 й.); «Терроризмнинг олдини олиш ва унга қаршилиқ қилиш бўйича ЕХХТ савъ-ҳаракатларини кучайтириш тўғрисида» ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 1/16 Декларацияси (Гамбург, 9 декабр, 2016 й.).
 - 2 Бундан буён мазкур ҳужжатда қисқалик мақсадида «дин ёки эътиқодлар эркинлиги» иборасидан фойдаланилади.
 - 3 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлигининг кўплаб муҳим жиҳатлари мавжуд (масалан, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг хавфсизлиги, шу жумладан дин ёки эътиқодларга нисбатан нафрат замирида юзага келадиган жиноятлар), бироқ бу жиҳатлар мазкур қўлланманинг мавзусидан ташқарида қолади.

уларнинг дин ёки эътиқодлар эркинлигига оид халқаро мажбуриятларига тўла мос келиши учун турли стратегиялардан фойдаланадилар, бироқ айрим қонунлар, шунингдек хавфсизлик соҳасидаги сиёсий ва амалий чоралар дин ёки эътиқод эркинлигига, бошқа асосий инсон ҳуқуқларига жиддий босим ўтказиши. Бундай чора-тадбирлардан, айниқса улар кенг шамоилга эга бўлса ва ихтиёрий қўлланилмоқчи бўлса, кўпинча «миллий», «давлат» ёки «жамоат» хавфсизлиги ёхуд «тинч-тотув яшаш», «ижтимоий барқарорлик» ёки «ижтимоий уйғунлик» баҳонгаларидан фойдаланилади. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, бунга ўхшаш чекловлар хавфсизликни мустаҳкамламайди, аксинча заифлаштиради.

Иштирок этувчи давлатларга ўз ҳудудларида яшайдиган барча шахсларнинг, гуруҳларнинг ва жамоатларнинг ҳамда ўз юрисдикциялари остида бўлган барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланган. Ҳар бир инсон шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, шунингдек дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир⁴. Иштирок этувчи давлатлар мазкур ҳуқуқларни таъминлашга оид асосий масъулиятни зиммаларига оладилар ва уларни ўз юрисдикциясида бўлган барча шахслар учун тенг асосларга кўра амалга оширишни кафолатлашлари шарт.

Шахсий хавфсизлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳурмат қилиш ва таъминлаш давлатларнинг шахслар, гуруҳлар ва жамоатларни жиноятчилик, мажбурлаш ва терроризм каби хавфлардан муҳофаза қилиш мажбуриятини англатади⁵. Давлатлар

4 ЕХХТ доирасида қабул қилинган кўп сонли мажбуриятларга мувофиқ, иштирокчи давлатлар зўравон экстремизм ва терроризмга олиб борувчи радикаллашувнинг олдини олиш ҳамда у билан курашиш чораларини кўришлари лозим, айти пайтда улар ўзларининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар соҳасидаги мажбуриятлари бажарилиши таъминлашлари шарт (қаранг: масалан, ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 4/15 Декларацияси, ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 1/16 Декларацияси, кўрс. асар., 1-ҳавола).

5 ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизликнинг комплекс концепцияси мазкур нашрнинг 1-бобида кўриб чиқилади.

хавфсизликнинг барча мезонларини кўриб чиқишлари ҳамда комплекс ва ҳамкорликка асосланган ёндошувдан фойдаланишлари лозим, бундай ёндошув хавфсизликнинг бошқа мезонлари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ҳисобига миллий хавфсизлик томон оғишга имкон бермайди⁶.

Айни пайтда дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизликнинг замонавий мантиғи аксарият ҳолларда мазкур қадриятлар ўртасида мувозанатни таъминлаш заруратини тақозо қилади ёки, ҳеч бўлмаганда, мазкур эркинликнинг айрим жиҳатларини хавфсизликка эришиш учун қурбон қилиниши лозимлигини кўзда тутди. Бундай мантиқ ЕХҚТ қабул қилган хавфсизликка нисбатан комплекс ёндошувга зиддир, бундай ёндошув дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизликни рақобатчи ҳуқуқлар сифатида қараб чиқмайди, аксинча, уларни бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини мустаҳкамловчи, биргаликда эришиладиган мақсадлар тариқасида эътироф этади. Инсоннинг бошқа ҳуқуқларида бўладиган вазиятлар сингари, дин ёки эътиқод эркинлигини батамом ҳурмат қилиниши, муҳофазаланиши ва амалга оширилиши учун хавфсизликнинг комплекс тартиботи зарурдир. Айни пайтда, давлат ва аҳоли ўртасида ўзаро ишонч шаклланишининг шарти бўлган инсон ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилинишисиз барқарор хавфсизлик бўлиши мумкин эмас. Бундай ишонч давлат ва давлат хизмат қиладиган инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил қилиши керак. Акс ҳолда, давлат демократик жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва демократик жамиятни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вазифаларини самарали бажара олиши гумондир.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ) «Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик: сиёсат

6 Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Анжуманнинг Якуний акти, ЕХҚТ, 1975, <https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505?download=true> (бундан буён – Хельсинки Якуний акти, 1975 й.).

масалалари бўйича қўлланма» номли мазкур дастуриламални тайёрлади, бундан мақсад ЕХХТ қабул қилган тинчлик ва хавфсизликнинг комплекс концепцияси асносида дин эркинлиги ва хавфсизлик ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатишдир. Қўлланмада, шунингдек, дин ёки эътиқод эркинлигининг ЕХХТ мажбуриятларида, шу билан бирга, халқаро минтақавий стандартларда мустаҳкамланган табиати, мақоми ва амал қилиш соҳаси тушунтирилади. Ниҳоят, нашрда ЕХХТ минтақасида дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик кесимидаги муҳим масалаларнинг ҳал этилишига оид дастурамал тамойиллар, амалий кўрсатмалар ва тавсиялар баён этилган. Макур нашр, биринчи навбатда, хавфсизлик соҳаси бўйича сиёсатни ишлаб чиқувчиларга, қонунларни, сиёсий чора-тадбирларни ва стратегияларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи масъулларга мўлжалланган бўлиб, уларга хавфсизликка оид қоидаларнинг давлатнинг мажбуриятларига ва унинг мазкур инсоннинг универсал ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларини таъминлашда ёрдам беришини кўзлайди.

Мазкур соҳада узоқ муддатли ечимларни излаш давлатлар иштирокида барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги ёндошувини тақозо этади. Шу муносабат билан мазкур нашр шунингдек фуқаролик жамияти ташкилотларига (айниқса уларнинг инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик, камситишга йўл қўймаслик билан шуғулланадиганларига), диний жамоатларга ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтларга, илмий ҳамжамиятга, таълим соҳаси мутахассисларига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига ҳам мўлжалланган. Бирор-бир диний жамоат ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоат хавфсизлик таъминланмаган шароитда фаолият юритолмаслиги ва ривожлана олмаслиги туфайли, барча шу каби жамоатлар умуман жамиятда хавфсизликни мустаҳкамлашдан манфаатдордирлар. Инсонларнинг биргаликда ва умумий фаровонликда яшаш неъматини ижобий англашларини шакллантирар экан, улар бутун жамиятнинг ижтимоий жипслик ва барқарор комплекс хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича доимий саъй-ҳаракатларига ёрдам

беришлари мумкин. Шу муносабат билан мазкур нашрдаги қатор тавсиялар ҳам давлат, ҳам нодавлат субъектларига мўлжалланган.

Мазкур нашрда кўриб чиқиладиган стандартлар ЕХХТнинг бутун минтақасида қўлланилиши мумкин (бирок бу стандартларнинг ҳар бири барча иштирок этувчи давлатлар учун мажбурий юридик кучга эга эмас). Гап, асосан, ЕХХТнинг инсон мезонлари соҳасида мажбуриятларида акс этган стандартлар ҳақида боради. Мазкур ҳужжатда шунингдек юридик кучга эга бўлмаган айрим стандартлар ҳам тилга олинган; бу мазкур стандартлар ЕХХТ мажбуриятлари ва халқаро стандартларнинг асосида ётган тамойилларни аниқлаштиргани ва ривожлантиргани учун шундай қилинди.

1. Инсон ҳуқуқлари ва ЕХХТ қабул қилган хавфсизликнинг комплекс концепцияси

ЕХХТ нуқтаи назаридан, хавфсизлик комплекс ҳодиса сифатида қаралади. У ҳамкорликка асосланган ва ҳамма учун тенг, ажралмас ва инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. ЕХХТнинг хавфсизликка комплекс ёндошувининг бир-бирини тўлдирадиган учта (ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва инсоний) мезонларининг ҳар бири бошқаларига аҳамияти жиҳатидан тенг ҳисобланади.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги, хусусан, ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи асосий принциплардан бири ва ЕХХТ қабул қилган хавфсизлик концепциясининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади⁷. Масалан, Киевда қабул қилинган фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги Вазирлар Кенгаши Қарорида «хавфсизлик ҳамда фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ўртасида ўзаро алоқадорлик» мавжудлиги таъкидланади⁸.

Шу муносабат билан шуни таъкидлаш лозимки, дин ва эътиқод эркинлиги (шунингдек инсоннинг барча бошқа ҳуқуқлари) таъминланишига кўмаклашадиган тинчлик ва хавфсизлик

7 Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Анжуманнинг Якунловчи ҳужжати, ЕХХТ, 1975, <https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505?download=true> (бундан буён – Хельсинки Якунловчи ҳужжати, 1975 й.).

8 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг «Фикр, виждон, дин ва эътиқодлар эркинлиги» тўғрисида № 3/13 Қарори, Киев, 6 декабр, 2013 й., 6-банд (бундан буён – ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 3/13 Қарори).

инсонларда мавжуд бўлган энг турли-туман эътиқодларни тегшли тарзда тан олиниши ва ҳар бир шахс учун муайян «шахсан ўзи ёки бошқалар билан биргаликда дини ёки эътиқодини ўз виждони амрига кўра ибодат қилишига» имконият мавжудлиги асосида барпо этилади⁹. Дин ёки эътиқод эркинлиги нафақат ҳар бир инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бирини – ўз дунёқарашга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамоя қилишни таъминлашга ёрдам беради, балким жамиятга ҳам турли қарашларни баён этиш билан боғлиқ бўлган фойдани келтиради.

Инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, дин ва эътиқод эркинлиги жамият гуллаб-яшнаши учун асосий аҳамиятга эгадир ва, шу муносабат билан, низолар ва зўравонликларга чора кўришнинг барча тадбирлари доирасида – бу чора-тадбирлар низолар ва зўравонликларнинг сабабларини бартараф қилишга, жабрдийдаларни муҳофаза этишга ёки уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилганидан қатъий назар, тўла ўлчамда ҳисобга олиниши лозим. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик соҳасидаги чоралар айнан битта мақсадга эришишга қаратилгандир. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги турли дин ва эътиқодларга эга инсонлар орасида ўзаро ҳурмат, ишонч, бир-бирини англашга ҳамда тенгликка кўмаклашади. Шу тариқа у жамиятни унинг хавфсизлигига таҳдид солаётган таҳликаларга янада барқарор қилишга ёрдам бериши мумкин.

ЕХХТ мажбуриятларининг ва дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасидаги халқаро меъёрларнинг тўла бажарилиши, хусусан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тинчлик соҳасида комплекс ва барқарор хавфсизликка эришишга

9 Хельсинки Якунловчи ҳужжати 1975 й., кўрс. асар., 7-ҳавола.

кўмаклашадиган қатор афзалликларни ҳавола этади¹⁰. Дин ёки эътиқод эркинлиги жамият фаровонлиги йўлида турли дин ёки эътиқодларга амал қиладиган ижобий инсон ресурсларини сафарбар қилиш ва ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Шундай қилиб, дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқнинг хаддан зиёд чекланиши мазкур ҳуқуқнинг эркинликни ҳам, хавфсизликни ҳам таъминлайдиган ижтимоий тизимни барпо этиш соҳасидаги салоҳиятини тўла ҳажмда амалга оширишга ҳалақит беради.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва эркак ҳамда аёлларнинг тенглиги инсон ҳуқуқларининг айнан бир ягона тизимига тегишлидир¹¹. Комплекс хавфсизлик эркалар ва аёллар томонидан дин ёки эътиқодлари эркинлигини тенг амалга оширишларини назарда тутаяди.

Шу муносабат билан, ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар шундай хулосага келдиларки, «хотин-қизлар томонидан ўз инсоний ҳуқуқларини тўла ва тенг амалга оширишлари ЕХХТ минтақасида тинчликни, фаровонликни ва демократияни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир»¹² ва «аёлларнинг ҳам, эркаларнинг ҳам билимлари, кўникмалари ва тажрибалари ЕХХТ минтақасидаги тинчлик... хавфсизлик

10 Қатор тадқиқотчилар дин ёки эътиқодлар эркинлиги, ижтимоий уйғунлик ва иқтисодий фаровонлик ўртасидаги алоқадорликнинг далиллари сони ўсиб бораётганини кўрсатадилар. Қаранг, масалан: Grim, B. & Finke, R., *The Price of Freedom Denied: Religious Persecution and Conflict in the 21st Century* [Ман қилинган эркинликнинг баҳоси: 21-асрда диний таъқиб ва низо], New York, Cambridge University Press, 2011; Grim, B. Clark, G. & Snyder, R.E., *Is Religious Freedom Good for Business? (A Conceptual and Empirical Analysis)* [Диний эркинлик бизнес учун фойдалими? (Концептуал-эмпирик таҳлил)], *Interdisciplinary Journal of Research on Religion*, Vol. 10, No. (4), 2014.

11 Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, 25 июн, 1993 й., 5-банд, https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/viendec93.shtml. Декларацияда таъкидланишича, барча «инсон ҳуқуқлари универсалдир, ажралмасдир, ўзаро боғлиқдир ва ўзаро алоқадордир».

12 Истанбул ҳужжати: Европа хавфсизлик Хартияси, 1999 (бундан буён – Истанбул ҳужжати, 1999 й.), <https://www.osce.org/ru/mc/39573?download=true>.

ва барқарорлик учун зарурдир»¹³. Келтирилган қоидалар ЕХХТнинг гендер тенглиги бўйича Вазирлар Кенгашининг қатор қарорларида янада ривожлантирилди¹⁴. Дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши эркакларда ва аёлларда турлича асорат қолдиришини ҳисобга олган ҳолда, бир вақтнинг ўзида дин ва эътиқодлар белгисига ҳамда жинсий белгиларига қараб камситишга қарши курашиш муҳимдир¹⁵.

-
- 13 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 13-учрашуви, Любляна, 2005 (бундан буён – Любляна ҳужжати 2005 й.), <https://www.osce.org/ru/mc/18782?download=true>.
 - 14 Қаранг: ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 14/05 Қарори «Низоларнинг олдини олиш, инқирозларни тартибга солиш ва низолардан кейинги тикланишда аёлларнинг ўрни», Любляна, 2005; ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 15/05 Қарори «Аёлларга нисбатан зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш», Любляна, 2005; ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 7/09 Қарори «Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки», Афина, 2009; ЕХХТ Вазирлар кенгаши № 10/11 Қарори «Иқтисодий соҳада аёллар имкониятлари тенглигини таъминлаш», Вильнюс, 2011.
 - 15 Мазкур тезис ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар томонидан дин ёки эътиқодлар эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилишга, чоралар қабул қилишга, хавфсизлик соҳасидаги сиёсатга ва амалиётга гендер таҳлилининг интеграциясиланиши ва гендер омилини ҳисобга оладиган ёндошув қарор топишини таъминлашнинг муҳимлигини таъкидлайди. ЕХХТнинг 2004 й. Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳаракатлар дастури гендер тенглигига эришиш мақсадларида лойиҳа ва дастурларда гендер жиҳатларини самарали ҳисобга олишга чақиради. Антисемитизм замирида юз берадиган жиноятларнинг эркак ва аёлларда фарқли таъсири таҳлилин ва бу буилан боғлиқ хавфсизлик муаммолари. Қаранг: Понимание сути преступлений на почве антисемитизма и обеспечение потребностей еврейских общин в сфере безопасности: практическое руководство, Варшава, БДИПЧ, 2018, с. 16-18, <https://www.osce.org/odihr/317166>.

2. ЕХХТнинг дин ҳамда эътиқодлар эркинлиги соҳасидаги мажбуриятлари ва халқаро стандартлар

Дин ва эътиқод эркинлиги инсоннинг яқка, жамоавий, институтчионал, таълимий ва ўзаро алоқавий мезонларга эга бўлган кўп қиррали ҳуқуқи ҳисобланади; мазкур ҳуқуқ ЕХХТнинг мажбуриятларида¹⁶ ҳамда халқаро ва минтақавий

16 Хельсинки Якунловчи ҳужжати 1975 й., кўрс. асар, 7-ҳавола; Учинчи мажлисининг Якунловчи ҳужжати қоидалари асосидаги кейинги қадамларга оид жамланма ҳужжати, Вена, 4 ноябр, 1986 й. – 19 январ, 1989 й., ЕХХТ (бундан буён – Вена ҳужжати 1989 й.); Копенгаген йигилишининг ҳужжати, ЕХХТ Инсон мезонлари бўйича анжумани (бундан буён – Копенгаген ҳужжати 1990 й.); Янги Европа учун Париж хартияси, 1990, ЕХХТ (бундан буён – Париж хартияси 1990 й.); Будапешт ҳужжати «Янги даврда ҳаққоний шериклик йўлида» (Олий даражадаги учрашув декларацияси), 1994 (бундан буён – Будапешт ҳужжати 1994 й.); Истанбул ҳужжати 1999 й., кўрс. асар, 12-ҳавола; ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн биринчи учрашуви ҳужжати, Маастрихт, 2003 (бундан буён – Маастрихт ҳужжати 2003 й.); ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн иккинчи учрашуви ҳужжати, София, 2004 (бундан буён – София ҳужжати 2004 й.); Любляна ҳужжати 2005 й., кўрс. асар, 13 ҳавола; ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн тўртинчи учрашуви ҳужжати, Брюссел 2006 (бундан буён – Брюссел ҳужжати 2006 й.); ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн бешинчи учрашуви ҳужжати, Мадрид, 2007 (бундан буён – Мадрид ҳужжати 2007 й.); ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн олтинчи учрашуви ҳужжати, Хелсинки, 2008 (бундан буён – Хелсинки ҳужжати 2008 й.); ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн еттинчи учрашуви ҳужжати, Афина, 2009 (бундан буён – Афина ҳужжати 2009 й.); Остона юбилей декларацияси 2010 й.; ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн биринчи учрашуви ҳужжати, Киев, 2013 (бундан буён – Киев ҳужжати 2013 г.).

стандартларда¹⁷ очиқ-ошкора тарзда эътироф этилган. Мазкур стандартларда дин ёки эътиқодлар эркинлигига оид қатор асосий принциплар баён этилган, – шу жумладан, кўрсатилган эркинликнинг барча инсонлар, эркаклар ва аёллар, тақводорлар ва даҳрийлар эга бўлган ҳуқуқ сифатидаги мақоми¹⁸, – шунингдек, ҳар бир инсоннинг ўзи ёлғиз ҳам, бошқалар билан биргаликда ҳам, ошкора ёки хусусий тарзда, диний таълимотини, ибодатини ёки амалларини бажариш воситасида ўз динига ёки эътиқодига монанд тарзда ибодат этиш ва уларга мос тарзда ҳаракат қилиш, диний расм-русумларни ва амалиётни бажариш эркинлиги¹⁹ баён қилинган. Мазкур ҳужжатда дин ва эътиқодлар эркинлигини биргаликда амалга оширувчи шахслар гуруҳлари «диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар» атамаси билан белгиланган²⁰.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигини (якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тарзда) амалга ошириш

17 Генеральная Ассамблея ООН, Международный пакт о гражданских и политических правах, 16 декабря 1966 г., Организация Объединенных Наций, Сборник договоров, т. 999, с. 171 (далее – МПГПП), статья 18, [https://www.un.org/ru/documents/ decl_conv/conventions/pactpol.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml); Совет Европы, Европейская конвенция о защите прав человека и основных свобод, с изменениями, внесенными Протоколами № 11 и № 14, 4 ноября 1950 г. (далее – ЕКПЧ), статья 9, https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_RUS.pdf; Организация американских государств (ОАГ), Американская конвенция о правах человека (Пакт Сан-Хосе (Коста-Рика)), 22 ноября 1969 г. (далее – АКПЧ), статья 12, http://www.oas.org/dil/treaties_B-32_American_Convention_on_Human_Rights.htm; Европейский Союз, Хартия Европейского Союза об основных правах, 26 октября 2012 г., 2012/C 326/02, статья 10, <https://eulaw.ru/treaties/charter/>.

18 Қаранг: Умумий тартибдаги эътироз № 22 (БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмиғаси, UN Doc. CСPR/C21/Rev.1/Add.4), унда тушунтириладики, дин ёки эътиқодлар эркинлиги теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодларни, шунингдек ҳеч қандай дин ёки эътиқодга амал қилмаслик эркинлигини қамраб олади, 2-банд (бундан буён – Умумий тартибдаги эътироз № 22).

19 ФСХХП, 18(1) модда; ИҲЕК, 9(1) модда; ИҲОК, 12(1) модда; Вена ҳужжати 1989 й., кўрс. асар., 16-ҳавола; Копенгаген ҳужжати 1990 й., кўрс. асар., 16 ҳавола, 9.4-банд.

20 Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир раҳбарий принциплар, ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси, 11-банд, Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2015, <https://www.osce.org/odihr/139046>.

инсоннинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Шу сабабли бунинг учун давлатнинг рухсати талаб этилиши мумкин эмас²¹. Дин ва эътиқод эркинлигининг меъёрий мақоми шу билан таъкидланадики, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг (ФСХХП) 4(2)-моддасига мувофиқ, мазкур эркинлик мутлақ, чекинишларга имкон бермайдиган ҳуқуқ ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ҳатто давлатнинг мавжудлигига хавф бўлган пайтда эълон қилинган фавқулодда вазият ҳам давлат томонидан ФСХХПнинг 18-моддаси бўйича мажбуриятларидан чекиниши учун имкон бермайди²².

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа биноан, давлатлар ўз юрисдикциялари доирасида барча шахслар ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга нисбатан дин ва эътиқодлар эркинлигининг холис қафолатлари сифатида ҳаракат қилишга мажбурдирлар. Бу мажбурият нафақат фуқаролар ва резидентларга нисбатан, балким бошпана излаётганлар, мигрантлар, қочқинлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ҳам тенг даражада бажарилиши лозим.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигини қўллаш соҳасини аниқлаш учун таянч нуқта ўз дини ёки эътиқодини ўзи белгилаш бўлиши керак, гарчанд шуни таъкидлаш лозимки, давлат идоралари, шубҳасиз, мазкур тушунчаларни муайян вазиятларда қўллаш мумкинлигини аниқлаш учун айрим холис, расмий

21 *Ўша жой*, 13, 17 ва 39-бандлар. Шунингдек, қаранг: ИХЕС, 13 декабрь 2001 й., *Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova* [«Бессарабия митрополияси Молдовага қарши»], 45701/99, para.128-130; Дин ёки эътиқодлар эркинлиги бўйича махсус маърузачи Хайнер Билефельдтнинг маърузаси, UN Doc.A/HRC/19/60, 25 ва 41-бандлар. 22 декабр, 2011 й., 25 ва 41-бандлар, https://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/RegularSession/Session19/A-HRC-19-60_en.pdf.

22 Қаранг: Рекомендации по анализу законодательства о религии или вероисповедании, Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2005, <http://www.osce.org/odihr/13993>, с. 22.

мезонлардан фойдаланиш бўйича ваколатларга эгадир²³. Дин ёки эътиқодларнинг улкан турли-туманлиги мавждуддир²⁴, «дин» ва «эътиқодлар» атамалари ҳам кенг маъноларга эга²⁵. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги фақат анъанавий ва катта динларга ёки эътиқодларгагина қўлланилмайди; бу ҳуқуқ, шунингдек, ўзининг институтционал тавсифларига кўра анъанавий динларга ўхшаш бўлган динлар ва эътиқодлар тизими билан

23 Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди шуни қайд этдики, шахснинг қарашлари дин ёки эътиқодлар эркинлиги доирасида бўлиши учун улар «ишонччилик, жиддийлик, изчиллик ва аҳамиятлиликнинг муайян даражаси»га эришиши лозим (*Campbell and Cosans v United Kingdom* [Кэмпбелл ва Козенс Бирлашган Қиролликка қарши], 23. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, № 75111/76 ва № 7743/76 аризалар, Қарор, 25 феврал, 1992 й.).

24 Қаранг: *The Study of Discrimination in the Matter of Religious Rights and Practices by the Special Rapporteur of the Sub-Commission on Prevention of Discrimination and Protection of Minorities* [Диний ҳуқуқларга нисбатан камситишни таъқиқ этиш ва камситишни бартараф этиш ҳамда озчиликларни ҳимоя қилиш Осткомиссиясининг Махсус маърузачиси амалиёти], БМТ, UN Doc. E/CN.4/Sub.2/200/Rev.1, p. 1, <https://undocs.org/E/CN.4/Sub.2/200/Rev.1>, бу ҳужжатда кўрсатилишича, «дин» тушунчасини белгилашнинг мураккаблиги сабабли «дин ёки эътиқодлар» атамаси мазкур тадқиқотда, турли диний таълимотлардан ташқари, агностицизм, ҳурфикрчилик, атеизм ва рационализм сингари эътиқодларни ҳам ўз ичига олган маънода ишлатилади».

25 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус маърузачи Хайнер Билефельдтнинг Маърузаси, кўрс. асар, 21 ҳавола, 38-банд.

чегараланиб қолмайди²⁶. Дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқ теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодлар тарафдорларини ҳимоя қилади, шунингдек у ҳеч қандай динга ёки эътиқодга ибодат қилмаслик ҳуқуқини ҳам қамраб олади²⁷. Бу шуни билдирадики, янги ташкил этилган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар, шунингдек диний озчиликлар ҳам устуворликка эга бўлган диний жамоат фойдаланадиган ҳимоядан фойдаланишлари шарт²⁸.

-
- 26 Умумий тартибдаги эътироз № 22, 2-банд, кўрс. асар, 18 ҳавола; Joint opinion on the draft law on the freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD (2011) 028, adopted by the Venice Commission at its 88th Plenary Session (Venice, 14-15 October 2011), paras. 22-24; Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилиши муносабати билан Даствлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, adopted by the Venice Commission at its 85th Plenary Session (Venice, 18-18 December 2012), para.43 (бундан буён – Арманистон бўйича Қўшма хулоса); Grzelak v Poland [Гжеляк Польшага қарши], ИҲЕС (е № 7710/02-ариза, қарор, 15 июн, 2010 й.), 85-банд; Kokkinakis v Greece [Коккинакис Грецияга қарши], ИҲЕС (№ 14307/88-ариза, қарор, 25 май, 1993 й.), 31-банд; Buscarini and Others v. San Marino [Бускарини ва бошқалар Сан-Маринога қарши], ИҲЕС (№ 24645/94-ариза, қарор, 18 феврал, 1999 й.), 34-банд.
- 27 Умумий тартибдаги эътироз № 22, 2-банд, кўрс. асар, 18 ҳавола; Арманистон бўйича Қўшма хулоса, 46-47бандлар, кўрс. асар, 26-ҳавола.
- 28 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси огоҳлантирадики, «*у ёки бу диннинг давлат дини сифатидла ўрнатилганлиги ёки у расмий ёхуд анъанавий дин деб эълон этилгани, ёки унинг тарафдорлари аҳолининг кўпчилигини ташкил этиши*» факти бошқа дин ёки эътиқодлар тарафдорларини камситиш учун асос бўла олмайди, кўрс. асар, 18-ҳавола.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги инсон ҳуқуқларинг янада кенг тизимининг бир қисми ҳисобланади ва инсоннинг бошқа – фикрини, ифода этиш эркинлиги²⁹, йиғилишлар ва уюшиш эркинлиги³⁰ камситилишдан холи бўлиш эркинлиги сингари универсал ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари билан чамбарчас боғлангандир. Шу муносабат билан, ЕХХТ Вазирлар Кенгаши Киевдаги учрашувда қабул қилган Қарорида «фикр, дин, виждон ва эътиқод эркинлиги ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг ўзаро боғлиқлик, ўзаро яхлитлик ва ўзаро бир-бирини мустаҳкамловчи характерга эга» эканлигини таъкидлади³¹.

Дин ёки эътиқодга нисбатан ички эркинлик тушунчаси дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқнинг ички мезонларига (*forum internum*), айнан динни ёки эътиқодларни ўз танловига кўра қабул этиш ёки ибодат қилиш, шу жумладан ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқига бўлган эркинлигига тааллуқлидир³². Динга эғалик, уни қабул қилиш ёки ўзгартиришнинг ички эркинлиги ФСХПнинг 18-моддасида ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг (ИҲЕК) 9- моддасида белгиланган чекловчи истисноларнинг

29 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи ва фикр ва уни эркин ифодалаш эркинлиги ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг батафсил таҳлили қуйидаги ҳужжатдадир: «25 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус маърузачининг Маърузаси», БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc. A/HRC/31/18, 23 декабр, 2015 й., <https://undocs.org/A/HRC/31/18>.

30 *Тинч намойишлар эркинлигига доир дастурамал тамойиллар, ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси*, Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2011, 2-чи нашр, <https://www.osce.org/odihr/73405>; *Бирлашмалар эркинлигига доир дастурамал тамойиллар, ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси*, Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2016, <https://www.osce.org/odihr/132371>.

31 ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг фикр, виждон, дин ва эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги № 3/13Қарори (Киев, 2013), <https://www.osce.org/ru/mc/109797?download=true>.

32 ИҲЕК, 9(1) модда; Копенгаген ҳужжати 1990 й., 9.4-банд, кўрс. асар, 16 Ҳавола; Киев ҳужжати 2013 й.; ИҲВД, 18 модда. ФСХПга нисбатан БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси ўзининг Умумий тартибдаги № 22 эътирозиди 18-модда қоидаларини ўз дин ёки эътиқодлар эркинлигини ўзгартириш эркинлигини кўзда тутганлигини шарҳлади.

амал қилиш доирасига кирмайди, шунинг учун мазкур ички эркинлик мутлақ ҳимоядан фойдаланади³³.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигининг ташқи кўринишини ташкил этувчи дин ва эътиқодларга амал қилиш эркинлиги (*forum externum*) кенг амал қилиш соҳасига эгадир. ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятлар ва халқаро ҳамда минтақавий стандартлар дин ёки эътиқодларга ҳам алоҳида шахслар, ҳам жамоатлар томонидан ибодат қилишнинг турли кўринишларини ҳимоя қилади. Дин ёки эътиқодларга ибодат этиш эркинлиги энг аввало (бирок нафақат) ибодат қилиш эркинлигини ва ўқиш-ўрганиш ва даъват қилиш, диний амалиёт ва итоат этилаётган дин ёки эътиқодларнинг расм-русумларига риоя этиш эркинликларини назарда тутади³⁴. Дин ёки эътиқодларга ибодат қилишнинг мазкур турлича шакллари ўртасида салмоқли ўхшашликлар бўлиши мумкин. Дин ёки эътиқодлар эркинлигининг кўринишлари, хусусан мазкур ҳуқуқнинг жамоавий, жамоатчилик ўлчамларига доир қисми ЕХХТнинг 1989 йилда қабул қилинган Вена ҳужжатида батафсил баён этилган³⁵.

Муайян чекловларга фақат дин ёки эътиқодларга итоат қилиш эркинлигига нисбатан йўл қўйилади³⁶, ва бу чекловлар аниқ ўлчамларига эгадир. Бундай чекловлар қатъий асосланган бўлиши керак ҳамда уларни асослаш ҳаминша давлатларнинг зиммасидадир. Ҳар бир чеклов дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларидан тўла ҳажмда фойдаланишда ҳамма

33 ИҲОК 12(2) моддаси ҳам шунга монанд ҳимояни ҳавола этади. Қаранг: Умумий тартибдаги эътироз № 22, 3-банд, кўрс. асар, 18 ҳавола.

34 Умумий тартибдаги эътироз № 22 (кўрс. асар, 18-ҳавола) дин ёки эътиқодларга амал қилиш эркинлигини батафсил шарҳини ҳавола этади.

35 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги кўринишларининг тўла рўйхати Кена ҳужжатининг 16.4-бандида мужассам, 1989 й., кўрс. асар, 16-ҳавола. У диний бирлашмаларнинг ибодат ва йиғилишлар жойларини таъсис этиш ва тасарруф қилиш, ўз иерархик ва институциявий тизимига кўра ташкилланиш; ўз ходимларини сайлаш, тайинлаш ва ўзгартириш, шунингдек ихтиёрий молиявий ва бошқа хайрияларни сўраш ва олиш ҳуқуқларини кўзда тутади.

36 Чекловлар умуман йўл қўйилмайдиган чекинишлардан буткул фарқ қилади.

инсонлар эркин бўлишлари керак деган қоидадан тор истисно ҳисобланади. ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятлар, шунингдек, дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳеч қандай чекловланиши мумкин эмаслигини кўзда тутади, фақатгина қонун билан ўрнатилган ва иштирок этувчи давлатларнингнинг халқаро ҳуқуқ ва уларнинг халқаро мажбуриятлари билан монанд бўлган чекловлар бундан истиснодир³⁷.

Дин ёки эътиқодга риоя қилиш эркинлигини инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқига мувофиқ тарзда чеклашга фақат қуйидаги мезонлар мавжуд бўлган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин:

- (а) чеклов қонун билан ўрнатилган бўлса³⁸;
- (б) чекловдан мақсад жамоат хавфсизлигини, жамоатчилик тартибини, соғлиқ ёки ахлоқни ёхуд бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш бўлса³⁹;
- (в) чеклов ана шу мақсадлардан бирига эришиш учун зарур ва унга мутаносиб бўлса⁴⁰;
- (г) чеклов камситиш мақсадларида ўрнатилмаган ва камситадиган йўсинда қўлланилмаётган бўлса⁴¹.

37 Вена ҳужжати 1989 й., 17-банд, кўрс. асар, 16-қавола; Копенгаген ҳужжати 1990 й., кўрс. асар., 16-қавола, 9.4-банд, Шунингдек қаранг: ЕХХТ Вазирлар кенгашининг № 3/13 қарори, кўрс. асар, 8-қавола.

38 32 ФСХХП, 3-банд, 18-модда; ИХЕК, 2-банд, 9-модда; ИХАК, 3-банд, 12-модда; Копенгаген, 1990, 9.4-банд; кўрсатилган асар, қавола 16.

39 ФСХХП, 18(3) модда; ИХЕК, 9(2) моддасида чекловлар учун асосларнинг шундай рўйхати келтирилган: «жамоат хавфсизлиги мақсадларида, жамоат тартибини, соғлиқни ёки ахлоқни муҳофаза қилиш ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун»; ИХОК, 12-моддаси чеклаш учун барча асосларни «жамоат хавфсизлигини, тартибни, соғлиқни ёки ахлоқни, ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини» таъминлашга мужассамлаштиради.

40 ФСХХП, 18(3)-модда; ИХАК, 12-модда; қиёсланг: ИХЕК, 9(2)-модда («демократик жамяятда қуйидаги манфаатлар нуқтаи назаридан зарурки...»).

41 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 8-банд.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, эҳтимолий чекловларнинг мезонлари ўта назокат ва аниқлик билан қўлланилиши лозим. Давлат томонидан ўрнатиладиган чекловлар мазкур эркинликни амалга оширишга имкон қадар кам аралашитиши кўзда тутиши ва энг охири чора сифатида қўлланилиши шарт. Эҳтимолий чекловлар тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланиш соҳасини шарҳлашда, халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган мазкур ҳуқуқни тўла ҳимоялашни таъминлаш заруратига мувофиқ, давлатлар дин ёки эътиқодлар эркинлигини очиқ ва кенг англашдан келиб чиқишлари лозим⁴².

Муайян чеклов «қонунда қайд этилиши» учун қонуннинг ушбу чекловни ўрнатадиган қоидаси етарли даражада очиқ ва аён бўлиши шарт. Бу шуни англатадики, тегишли қоида етарлича аниқ баён этилиши керак, токи алоҳида шахслар ёки жамоатлар ўз хулқини бошқариш имконига эга бўлсинлар. Шунингдек, чекловлар ўтиб кетган сана билан ёки муайян шахс ё гуруҳларга нисбатан ўзбошимчалик билан қўлланилмаслиги ҳам кўзда тутилади. Бундан ташқари, чекловлар қонун кучига эга бўлиши талаб этиладиган, аммо ўта ноаниқ мазмундаги нормалар асосида жорий этилиши мумкин эмас, негаки бундай ҳолда қонун талабини англаш қийинлашади ёхуд ҳуқуқни ўзбошимчалик билан қўллашга йўл очилади⁴³.

Қонунийлик. «Қонуний мақсад» мезони шуни билдирадики, чекловлар фақат дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли қоидаларда худди шунинг учун алоҳида кўзда тутилган

42 «Йўл қўйиш мумкин бўлган чекловларга оид қоидаларнинг амал қилиш соҳасини шарҳлаганда, иштирокчи давлатлар Пактда кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқишлари керак... Чекловлар қонун билан ўрнатилиши керак ва 18-моддада кафолатланган ҳуқуқларга путур етказмайдиган тарзда қўлланилиши шарт» (ўша жой).

43 Joint Opinion on Freedom of Conscience and Religious Organizations in the Republic of Kyrgyzstan [Қирғизистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида Қўшма хулоса], *ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси*, CDL-AD (2008)032, 28 октябр, 2008 й., [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD\(2008\)032-e](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD(2008)032-e).

мақсадлардагина қўлланиши мумкин; уларнинг халқаро воситаларда кўзда тутилмаган асослар бўйича қўлланиши мумкин эмас, ҳатто агар бундай асосларда инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан чекловларга рухсат этилган тақдирда ҳам, бунга йўл қўйилмайди⁴⁴. Шу мнособат билан таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқ «хавфсизлик» ёки «миллий хавфсизлик»ни таъминлашни дин ёки эътиқод эркинлигини чеклаш учун йўл қўйиладиган асос сифатида тан олмайди.

Зарурат. Чекловлар дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасидаги қонунчилик қоидаларида кўзда тутилган асосларга мувофиқ «зарур» деб топилиши лозим. Зарур деб топилган у ёки бу чеклов ўзи йўналтирилган аниқ мақсад билан тўғридан-тўғри боғлиқ ва ўша мақсадга мутаносиб бўлиши керак⁴⁵, Бунда амалга ошириладиган аралашув жамоатчиликнинг энг муҳим эҳтиёжларига жавоб бериши ва қонун тақозо этадиган мақсадга мутаносиб бўлиши зарур⁴⁶. «Жамоатчиликнинг энг муҳим эҳтиёжлари» тушунчаси тор маънода талқин этилади ва чеклов нафақат фойдали ёки керакли, айти чоғда зарурат ҳам эканини англатади⁴⁷.

Мутаносиблик. Аралашув мутаносиб бўлиши учун давлат сиёсатининг мақсадлари билан унга эришиш йўлида фойдаланадиган воситалари ўртасида оқилона мутаносиблик мавжуд бўлиши керак. Хавфсизлик билан боғлиқ мақсадга эришиш учун қандайдир чоранинг етарли экани факти мутаносибликни аниқлаштириш учун учун етарли эмас. Мутаносиблик принципи тақозо этадики, умумий мазмундаги

44 Умумий тартибдаги эътироз № 22, кўрс. асар, 18 ҳавола.

45 ФСХХП, 18(3)-модда; ИҲОК, 12(3)-модда; ИҲЕК, 9(2)-модда.

46 *Wingrove v. the United Kingdom* [«Уингров Бирлашган Қироликка қарши»], Application no. 17419/90, para. 53.

47 *Svyato-Mukhailivska Parafiya v. Ukraine* [Свято-Михайлов қавми Украинага қарши. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (77703/01-қарори, 2007 йил 14 июнь) 116-модда; *Gorzelik and Others v. Poland* [Горжелик ва бошқалаар Польшага қарши]. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 44157/98 ариза, 2004 йил 17 февраль) 94-95- бандлар.

эҳтиёжлар билан алоҳида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳимоясига доир талаблар ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаб туриш лозим бўлади; чекловнинг асосланиши зарур ва етарли даражада бўлиши, бу йўлда қўлланиладиган воситалар эса аралашувнинг энг кам ҳажмини назарда тутиши даркор⁴⁸.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси шуни кўрсатадики, чекловлар камситиш мақсадларида жорий этилиши ёки камчитувчи тарзда қўлланилиши мумкин эмас⁴⁹. Қоида тариқасида, агар холис ва оқилона асосланмаган бўлса ёки гўёки ўзи хизмат қиладиган мақсадга мутаносиб бўлмаса, фарқланувчи муносабат билвосита камситувчи ҳисобланади. Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик контекстида иштирокчи давлатлар дин ёки эътиқод белгисига кўра камситувчи бўлган чораларнинг қўлланмаслигини таъминлашлари зарур.

48 Қаранг: Арманистон бўйича Қўшма хулоса ва Арманистон бўйича Дастлабки қўшма хулоса, кўрс. асар., 26-ҳавола.

49 Умумий тартибдаги эътироз № 22, 8-банд, кўрс. асар, 18 ҳавола. ЕХХТ барқарор тинчлик ва хавфсизликка эришиш мақсадларида камситишдан ҳимояланиш зарурлигини тан олади. Қаранг, масалан: OSCE Strategy Document for the Economic and Environmental Dimension [ЕХХТнинг иқтисодий-экологик мезонларга доир Стратегик ҳужжати] ЕХХТ, 2 декабр, 2003 й., <https://www.osce.org/eea/20705>.

3. Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик: дастурамал тамойиллар

Мазкур бобда ЕХХТ иштирокчи давлатларига ҳам дин ёки эътиқодлар эркинлигини, ҳам хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган қатор чоралар, стратегиялар ва қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёрдам бериши лозим бўлган қатор принциплар баён қилинган. Қуйида келтирилган дастурамал принциплар ЕХХТ томонидан қабул қилинган комплекс хавфсизликни таъминлашга доир ёндошувга асосланган. Улар тўла-тўқис бўлмаса-да, ЕХХТнинг инсон мезонларига оид барча мажбуриятларини, шунингдек тегишли халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳамда мазкур стандартлар ва мажбуриятларга мос келади⁵⁰. Бундан кейин, 4-бобда ҳавола этиладиган таҳлил ва тавсияларни мазкур етти дастурамал принциплардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш керак.

ДАСТУРАМАЛ ПРИНЦИПЛАР

1. Таълим соҳасида дин ва эътиқодлар турли-туманлигига ҳурматни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни жорий қилиш лозим. Бундай чоралар⁵¹:

50 Мажбуриятларнинг тўлиқ рўйхатига қаранг, 16-ҳавола.

51 Қаранг, масалан, Вена ҳужжати 1989 й., Копенгаген ҳужжати 1990 й., Будапешт ҳужжати 1994 й., Порту ҳужжати 2002 й., София ҳужжати 2004 й., Любляна ҳужжати 2005 й., Брюссел ҳужжати 2006 й. и Мадрид ҳужжати 2007 й.

- (а) нафақат мактабларда, балким бошқа муассасаларда (масалан, музейларда, кутубхоналарда, маданий мерос марказларида) амалга оширилиши керак;
 - (б) турли-туман динлар ва эътиқодлар тўғрисида холис ва аниқ ахборотни хабар қилиши керак, токим бу динлар масаласидаги салбий стереотипларни, ёлғон тасаввурларни ва диний хурофотни яратадиган жоҳилликни бартараф этишга кўмаклашсин;
 - (в) турли диний конфессиялар ёки эътиқод тизимларига тегишли иштирокчиларга, шу жумладан ҳеч бир динга ишонмайдиганларга табиий мулоқот доирасида бир-бирлари билан учрашиш ва танишиш имкониятларини ҳавола этиши лозим;
 - (г) иштирокчиларга турли-туманлик шароитида биргаликда тинч-хотиржам яшаш учун зарур бўладиган билимлар, қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириши керак;
 - (д) барча шахсларнинг инсоний шаъни, қадр-қиммати ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилинишига асосланиши лозим;
 - (е) бошқа инсонларнинг диний эътиқодларини тушунмасликдан келиб чиқадиган низоларни камайтиришга йўналтирилиши шарт.
2. Бутун жамиятни диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва динлар ва эътиқодлар турли-туманлигининг қадрияти борасида хабардор қиладиган ахборот-маърифий дастурларни амалга ошириш лозим. Бундай дастурлар⁵²:

52 Қаранг, масалан: Бухарест ҳужжати 2001 й., Любляна ҳужжати 2005 й. ва Брюссел ҳужжати 2006 й.

- (а) Давлат субъектлари ва бошқа манфаатдор томонлар – фуқаролик жамияти ташкилотлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш миллий институтлари, маданий мерос марказлари, таълим соҳасининг мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ўртасида ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши керак;
 - (б) тингловчиларни динлар ва эътиқолатурли-туманлиги воқелигини ҳамда ўзининг бу турли-туманликка дуч келганда орттирган тажрибасини эътиборга олишга ўргатиши керак;
 - (в) динлар ва эътиқодлар турли-туманлигининг турли ҳамжамиятларнинг ўзаро бойиб бориши манбаси сифатидаги қадр-қимматини таъкидлаши лозим;
 - (г) турли дин ва эътиқодларни чуқур англаш ва уларни ҳурмат қилиш орқали жамиятда камситиш, кескинлик ва тоқатсизликнинг ортишига олиб келадиган салбий стереотипларни қисқартиришга йўналтирилган бўлиши шарт.
3. Конфессиялараро ва динлараро мулоқот ва шериклик алоқалари зарурдир, улар барча инсонлар учун тоқатсизлик ва дин ёки эътиқодига кўра камситишга қарши туради, одамлар ва турли дин ёки эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини англаш ва ҳурматга кўмаклашади ҳамда дин ёки эътиқод эркинлигини мустаҳкамлайди. Бундай мулоқот ва шериклик⁵³:

53 Қаранг, масалан, Маастрихт ҳужжати 2003 й.; Любляна ҳужжати 2005 й.; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг № 3/13 Қарори.

- (а) диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиши лозим;
 - (б) диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мулоқотда иштирок этиши ихтиёрийлигини ҳурмат қилиши шарт;
 - (в) барча турли-туман диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг (шу жумладан, яқинда ташкил этилган ва унчалик катта бўлмаган жамоатларнинг) манфаатларини ҳисобга олиши керак, бу айниқса мазкур мулоқот давлат томонидан қўллаб-қувватланганда ва дастакланганда муҳимдир;
 - (г) имкон қадар аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокини, шунингдек ёшларнинг иштирокини таъминлаши лозимки, бу айниқса мазкур мулоқот давлат томонидан қўллаб-қувватланганда ва дастакланганда муҳимдир;
 - (д) ўз ичига норасмий тадбирларни ҳам қамраб олиши керак, чунки бундай тадбирлар барча шахслар учун дин ёки эътиқод эркинлигини мустаҳкамлашга, ўзаро бир-бирини англаш ва тоқатлиликни қўллаб-қувватлашга доир ҳаракатларга айниқса муҳим ҳисса қўшади.
4. Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик масалаларида иштирок этувчи давлатлар ҳамда диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик соҳасида мулоқотлар ва ташаббуслар зарур. Бундай ташаббуслар⁵⁴:

- (а) барча шахслар учун дин ёки эътиқод эркинлигини, шунингдек инсоннинг бошқа ҳуқуқларини мустаҳкамлаши лозим;
- (б) дин ёки эътиқод белгисига қараб камситиш ва тоқатсизликнинг олдини олиши ва бу ҳодисаларга қарши туриши лозим, шу жумладан камситиш, ғараз ёки зўравонликни қўзғатиши мумкин бўлган ҳар қандай нафрат ташвиқотини дарҳол қоралаши керак;
- (в) кенг қамровли ва барқарор хавфсизликни таъминлаши лозим;
- (г) жамиятда мавжуд бўлган диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг барчаси иштирок этиши учун очиқ бўлиши шарт;
- (д) диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг эркинлигини ҳурмат қилиши зарур;
- (е) диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мулоқотда иштирок этишининг ихтиёрий хусусиятини ҳурмат қилиши лозим;
- (ж) фақат миллий ёки федерал миқёсдаги саъй-ҳаракатлар билан чекланиб қолмасдан, маҳаллий ва муниципал даражада ҳам амалга оширилиши шарт;
- (з) доимий тарзда очиқ мулоқот воситаларини қўллаб-қувватлаши ҳамда мулоқот ва ўзаро ҳаракат қилишнинг ўқтин-ўқтин эмас, изчил хусусиятини таъминлаши лозим;
- (и) жамиятнинг диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ўйнаши мумкин бўлган роли

тўғрисида хабардорлигини оширишга хизмат қилиши ҳамда бу ҳаракатлар жамоатларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаши шарт.

5. Тинч, хавфсиз ва жипслашган жамият ривожланиши учун динлар ёки эътиқодларнинг мавжуд ёхуд шаклланаётган турли-туманлиги ҳурмат қилинишига кўмаклашадиган ва мазкур турли-туманликдан фойдаланадиган сиёсат зарур. Бундай сиёсат⁵⁵:

- (а) мажбурлаш умуман дин ёки эътиқод билан алоқадор тарзда тасаввур қилинмаслиги ва ўхшатилмаслигини таъминлаши керак;
- (б) мажбурлаш бирор муайян дин ёки эътиқод тизими билан алоқадор тарзда тасаввур қилинмаслиги ва ўхшатилмаслигини таъминлаши керак;
- (в) шуни таъминлаш лозимки, алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари содир этган мажбурлаш амаллари учун жавобгарлик диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга юкланмаслиги лозим;
- (г) шуни таъминлаш лозимки, динлар ёки эътиқодлар ҳурфикрлигига оид масалаларни ҳал этишда юзага келиши мумкин бўлган ҳеч қандай мураккабликлар ёки тарангликлардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмасин;
- (д) иштирок этувчи давлатларнинг вакилларини камситиш, ғараз ёки зўравонликни қўзғатиши мумкин бўлган ҳар қандай нафрат ташвиқотига ҳамиша қатъий ва дарҳол қарши чиқишга ундаши керак.

55 Қаранг, масалан, Порту ҳужжати 2002 й. ва Люблина ҳужжати 2005 й.

6. Барча шахслар учун дин ёки эътиқод эркинлигини мустақкамлайдиган конституциявий ва ҳуқуқий чегаралар зарур. Мазкур чегаралар қуйидаги принципларни ҳисобга олиши лозим⁵⁶:
- (а) дин ва эътиқодлар эркинлигини ва инсоннинг бошқа ҳуқуқларини ҳурмат қилиш хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисмидир;
 - (б) хавфсизликни таъминлаш учун дин ва эътиқодлар эркинлигини чекловчи чора-тадбирлар зарур бўлган алоҳида вазиятларда, ҳаммасини қамраб олган ва барқарор хавфсизликка фақат бу чора-тадбирлар инсоний қадр-қимматни ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шарти билан эришиш мумкин;
 - (в) дин ёки эътиқодлар эркинлигини чекловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда мазкур чораларнинг аёллар ва эркакларга таъсиридаги тафовутлар ҳисобга олиниши лозим;
 - (г) дин ёки эътиқодлар эркинлигини чекловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда мазкур чораларнинг алоҳида ночор аҳволдаги шахсларга ва шахслар гуруҳларига, жумладан (чеклашларсиз) болаларга, ногиронлиги мавжуд инсонларга, миллий озчиликни ташкил қилувчиларга, муайян динга ёки эътиқодга амал қиладиган диний озчиликни ташкил қилувчиларга; янги динга кирганларга; бошпана излаётганларга, қочқинларга ва мигрантларга таъсиридаги тафовутлар ҳисобга олиниши лозим;

56 Қаранг, масалан, Хельсинки Якуний акти 1975 й., Вена ҳужжати 1989 й., Копенгаген ҳужжати 1990 й. ва ЕХҲТ Вазирлар кенгашининг 3/13 Қарори.

- (д) қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалий чора-тадбирлар ва стратегиялар камситишдан, шу жумладан этник келиб чиқиши, жинси, миллати, ирқи, дини ёки эътиқодига кўра камситилишидан холи, шаффоф ва эркин бўлиши лозим;
- (е) хавфсизлик соҳасидаги долзарб масалалар хавфсизлик манфаати учун дин ёки эътиқодлар эркинлигини чеклашга йўнатирилган қонунлар ёрдамида эмас, жиноят қонунчилигининг ёки жамоат тартиби сақлашга оид қонунчиликнинг муайян қоидаларини қўллаган ҳолда ҳал этилиши керак;
- (ж) дин ёки эътиқодлар эркинлигига чеклов жорий этадиган чора-тадбирлар қонунда кўзда тутилган бўлиши шарт;
- (з) чеклов жорий этиш учун асослар аниқ ифодаланган бўлиши ва чекловлар ФСХХПнинг 18(з)-моддасида тўлиқ рўйхати мавжуд бўлган қонуний мақсадларга эришиш учунгина зарур бўлиши шарт;
- (и) шундай чораларни амалга оширишга нисбатан қабул қилинган чеклов чоралари ва/ёки қарорлар устидан шикоят қилиш ёки қайта кўриб чиқишнинг самарали усуллари мавжуд бўлиши шарт.

7. Иштирок этувчи давлатлар хавфсизликни таъминлаш учун зарур деб ҳисоблаган дин ёки эътиқод эркинлигини чеклашга доир ҳар қандай ҳуқуқий чора-тадбирлар⁵⁷:
- (а) фикрлар ёки эътиқодларга эмас, балки муайян жиной ёки ноқонуний қилмишларга қарши йўналтирилган бўлиши лозим;
 - (б) алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг муайян ноқонуний қилмишларига қарши йўналтирилган бўлиши ва бундан шахс ёки гуруҳларни дини ёки эътиқоди учун таъқиб қилишга йўл қўймаслиги лозим;
 - (в) ҳуқуқий базада фойдаланиладиган атамаларга аниқ тавсиф бериши лозим ҳамда қарама-қарши шарҳланиши мумкин бўлган ва тегишли қоидаларни истаган тарзда қўллашга имкон берадиган ноаниқ, мужмал атамалардан воз кечиши шарт;
 - (г) диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларни уларнинг сафида бўлган алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг ноқонуний қилмишлари учун жазолашни истисно этиши лозим;
 - (д) камситишдан, шу жумладан, этник келиб чиқиши, жинси, миллати, ирқи, дини ёки эътиқодига кўра камситишдан холи бўлиши лозим;
 - (е) энг сўнгги чора сифатида қўлланилиши керак;

57 Қаранг, масалан, Вена ҳужжати 1989 й., Копенгаген ҳужжати 1990 й., ЕХХТ Вазирлар кенгашининг № 3/13 Қарори ва «ЕХХТнинг Терроризмнинг олдини олиш ва унга қаршилик қилишга доир саъй-ҳаракатларни кучайтириш тўғрисида» декларацияси (Гамбург, 2016). Шунингдек қаранг: Overview of OSCE Counter-Terrorism Related Commitments [ЕХХТнинг Терроризмга қарши курашга доир мажбуриятлари таҳлили], 2018 й., мартдаги охириги таҳрир <https://www.osce.org/node/26365>.

- (ж) назарда тутилган қонуний мақсадга бевосита алоқадор ва шу мақсадга мутаносиб бўлиши, шунингдек, мазкур мақсадга эришиш учун зарур бўлган энг кам аралашув билан боғлиқ восита бўлиши шарт;
- (з) бундай чоралардан ғайриҳуқуқий тарзда фойдаланиш ёки давлат идоралари томонидан дискрецион ваколатларни суистеъмол қилиниши имкониятини иложи борича камайтиришга ёрдам берадиган тавсиялар билан бирга ҳавола этилиши лозим.

Юқорида санаб ўтилган дастурамал принциплардан фойдаланиш масаласини кўриб чиқаётганда қуйидаги мулоҳазаларни эътиборга олиш керак:

1. Дастурамал принципларни Хелсинки Якунловчи ҳужжатида мустаҳкамланган ва кейинчалик ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларда тасдиқланган дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликка яхлит ёндошувнинг бир қисми тариқасида назарга олиш шарт. Шу билан бирга дин ёки эътиқодлар эркинлигини ҳимоя қилиб, айни пайтда хавфсизликни ҳам таъминлашнинг асосий масъулияти иштирокчи давлатлар маъмурларининг зиммасига тушади, дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликни бирлаштиришда муҳим ўринни бошқа субъектлар – диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар⁵⁸; миллий инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлган институтлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, шу жумладан конфессионал ташкилотлар ва бошқа умуман инсон

58 ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўзининг № 3/13Қарорида ЕХХТда иштирок этувчи давлатларни «диний ҳамжамиятларни ёхуд у ёки бу эътиқодлар туфайли бирлашган бошқа ҳамжамиятларни ўз вақтида жамоатчилик томонидан тегишли қонунчилик ташаббусларига жалб этиш»га чақирди (кўрс. асар, 8-ҳавола).

ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар; шунингдек оммавий ахборот воситалари ҳам эгаллайдилар.

2. Иштирок этувчи давлатлар инсон мезонлари соҳасидаги ўзининг барча мажбуриятларини тўла бажарилишини таъминлар экан, нодавлат субъектлари барқарор хавфсизликка ўз ҳиссаларини қўшишлари учун шарт-шароитларни яратади.
3. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликнинг мураккаб масалалари фақат давлат томонидан жорий этиладиган ҳуқуқий санкциялар орқали ҳал этила олмайди; тегишли хатти-ҳаракатлар чоратадбирларнинг чекловлар билан боғлиқ бўлмаган кенг соҳаларини – масалан, таълим тадбирларини, ахборот-маърифий дастурларни, конфессиялараро ва динлараро мулоқотларни ва шериклик алоқаларини, жамоатлар билан ўзаро ҳаракат қилишни қамраб олиши лозим.

4. Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизликка доир саволлар ҳамда тавсиялар

Мазкур бобда дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик кесимидаги тўртта муҳим масала кўриб чиқилади. Ушбу барча масалалар – жамоатларни рўйхатга олиш, «экстремистик» мулоҳазалар ва адабиётлар, ибодат жойларида тинтув ўтказиш ва ўз эътиқодига даъват этиш – ЕХҲТнинг бутун минтақасида учун умумий масалалар бўлиб, мазкур минтақада кенг тарқалган. Улар дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик маъносида сиёсатни ишлаб чиқувчилар ва диний жамоатлар учун ўта долзарб масалалардир. Мазкур масалалар дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик амалда қандай кесишишининг ёрқин мисолларидир.

Ҳар бир бобнинг бошланишида «дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик» мавзунининг айрим мураккаб жиҳатлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, Улардан сўнг мазкур боб бағишланган муайян муаммони ҳал этишга оид тавсиялар ҳавола этилади.

4.1. ДИНИЙ ЖАМОАТЛАРНИ ЁКИ МУАЙЯН ЭЪТИҚОДЛАРГА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ЖАМОАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАМДА РЎЙХАТГА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИК

Гоҳида ЕХХТда иштирок этувчи давлатларининг маъмурлари айрим диний жамоатлар ва мамлакат аҳолисининг аксарияти қадриятларига мос келмайдиган муайян эътиқодга эга жамоатлар қадриятларини, тамойилларини ва таълимотларини кўриб чиқадилар. Улар таъкидлайдиларки, бундай номувофиқлик инсонларнинг биргалиқда яшашларига ва жамиятнинг ижтимоий жипслигига – демак, хавфсизликка ҳам таҳлика солиши мумкин. Бу таҳликалар диний гуруҳлар ёки муайян эътиқодларга амал этадиган гуруҳлар давлат томонидан «экстремистик» деб кўрилганда, улар жамоатчилик тартибига, миллий ўзига хосликка, жамиятнинг ижтимоий яқдиллигига ёки тинч-тотув ҳаётига хавф солади деб ҳисобланганда, янада кучаяди. Айрим ҳукуматлар шундай диний жамоатлар ва муайян эътиқодга эга бўлган жамоалар рўйхатга олиш жараёнидан ўтиб, ҳуқуқ субъекти бўлишига ва шу тариқа ҳуқуқий мақомга эришишга, тан олинишга, имтиёзларга эришишга уринганидан хавотирланадилар. Бунга жавобан маъмурлар айрим жамоаларни рўйхатга олишни рад этадилар ёки аллақачон рўйхатга олинганликни бекор қилиш чорасини кўрадилар, ёхуд рўйхатга олишга оид янада кескин чекловлар киритилган қонунларни қабул қиладилар, аввал рўйхатга олинган жамоатларни қайта рўйхатга олиш талабларини олдинга сурадилар. Бундай чора-тадбирлар натижасида айрим диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга эга бўлган жамоатлар рўйхатдан ўта олмайдилар ёки юридик мақомга эга бўлиш ёки уни сақлаб қолишга эриша олмайдилар.

Ҳуқуқ субъекти бўлишининг диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга эга бўлган жамоатлар учун аҳамияти

Юридик шахс мақомига эга бўлиш имконияти дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи амалиёти доирасига киради. Агар жамоатнинг ташкилий ҳаёти дин ёки эътиқод эркинлиги билан ҳимояланмас экан, инсоннинг бу соҳадаги шахсий эркинликнинг кўплаб жиҳатлари ҳимоясиз бўлиб қолади⁵⁹. Бу, масалан ўз дини ёки эътиқодига бошқалар билан биргаликда ибодат қилиш имкониятига дахлдор бўлиб, бу ҳолат жамоатнинг ҳаёт кечиришини хавф остига қўяди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа кўра, дин ёки эътиқодга асосланган фуқаролар бирлашмаларига ҳуқуқ субъекти мақомини беришни рад қилиш, агар мазкур жамоат ноқонуний фаолият юритаётгани исботланмаган бўлса, дин ёки эътиқод эркинлигини амалга ошириш ҳуқуқига аралашини ҳисобланади⁶⁰. Шу муносабат билан ЕХҲТда иштирок этувчи давлатлар шу муносабат билан ЕХҲТга аъзо давлатлар «ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар бирлашмаларига уларнинг илтимослари бўйича тегишли мамлакатларда улар учун кўзда тутилган мақомни эътироф этиш» мажбуриятини олишган»⁶¹.

59 *Hasan and Chaush v. Bulgaria* [Хасан ва Човуш Болгарияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 30985/96-ариза, Қарор, 26 октябр, 2000 й.), 62-банд.

60 *Kimlya and Others v. Russia* [Кимля ва бошқалар Россияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 76836/01 -ариза, Қарор, 1 октябр, 2009 й.), 84-банд; *Jehovah's Witnesses of Moscow and Others v. Russia* [Москвадаги «Иегова шоҳидлари» ва бошқалар Россияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 302/02-ариза, Қарор, 10 июн, 2010 й.), 101-банд; *Gorzelik and Others v. Poland*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 52-банд; *Sidiropoulos and Others v. Greece* [Сидиропулос ва бошқалар Грецияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 26695/95-ариза, Қарор, 1 июл, 1998 й.), 31-банд.

61 Вена ҳужжати 1989 й., 16.3-банд, кўрс. асар, 16 ҳавола.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигидан фойдаланиш учун ҳуқуқ субъекти бўлишнинг муҳимлигига қарамасдан⁶², диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларни, агар улар буни истамаса, юридик шахс мақомини олишга мажбурлаш мумкин эмас. Ҳуқуқ субъекти мақомини олиш иштирок этувчи давлатларнинг айримларида кўзда тутилган имкониятлардан биридир. Жамоатларни рўйхатга олиш тизимини ишлаб чиқишда иштирок этувчи давлатлар шундай тамойилга риоя қилишлари лозимки, рўйхатга олиш диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар фаолиятига қўмаклашиши керак, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиши ёки уларни назорат қилиш воситасига айланмаслиги керак⁶³. Шундай қилиб, иштирок этувчи давлатлар шуни таъминлашлари лозимки, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўз диний фаолиятининг ҳамда эътиқодларига боғлиқ фаолиятларининг бутун жиҳатларини амалга ошира олишларига имкон берадиган турдаги ҳуқуқ субъекти мақомини ва даражасини олиш ҳуқуқига эга бўлсинлар.

Оддий ва олиш осон бўлган рўйхатдан ўтказиш тизими иштирокчи давлатларнинг хавотирини уйғотадиган диний

62 Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, кўрс. асар, 21 ҳавола; Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas and Others v. Austria [«Иегова шоҳидлари» ва бошқалар Австрияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди № 40825/29-ариза, Қарор, 31 июл, 2008 й.); Izzettin Dogan v. Turkey [Иззетдин Доган Туркияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (№ 62649/10-ариза, Қарор, 26 апрел, 2016 й.). Шуни таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқига мувофиқ, эътиқод қиладиган ва эътиқод қилмайдиган шахслар, шунингдек диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ҳуқуқларга эгадир, бу давлатнинг ёки унинг ваколатли идораларининг жамоатни рўйхатга олишни кўзда тутмаганлари, ҳавола этмаганлари ёки бекор қилганларига боғлиқ эмас.

63 Муайян эътиқодга риоя этадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ихтиёрий равишда юридик шахс мақомини олишига алоқадор халқаро ҳуқуқ меъёрларининг, шунингдек қатор ЕХҲТ иштирокчи давлатларининг яхши амалиётидан мисолларнинг батафсил баёнини «Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектилигига доир раҳбарий принциплар» нашрининг III-бўлимида ўқиш мумкин (кўрс. асар, 20 ҳавола).

жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларни қўллаб-қувватлаши, уларни ҳуқуқий тизим доирасида ҳаракат қилишга ундаши мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, рўйхатга олишиш давлат ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасида барқарор ва ишончга асосланган муносабатлар ўрнатилишида ёрдам бериши мумкин.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларни рўйхатга олиши ёки рўйхатга олинганликни бекор қилиши маъносида «экстремизм» атамаси муаммоси

Давлатлар алоҳида шахслар ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар фаолияти устидан хавфсизликни таъминлаш манфаатлари учун қатъий назорат ўрнатишни асослар экан, кўпинча бунга далил сифатида «экстремизм» хавфидан хавотирларини келтирадилар. Айни пайтда «экстремизм» атамаси ноаниқлиги ва умум эътироф этилган тавсифи йўқлиги билан ажралиб туради, бу эса уни жуда кенг ва мужмал талқин этиш учун имкон беради ҳамда қонунни ўзбошимчалик билан қўллаш имконини яратади.

«Экстремизм»ни кўпинча зўравонлик билан аралаштириб юборишади – гарчанд бу икки ходиса ўртасида сабабий-оқибатий боғлиқлик борлигини ёки «экстремистик» фикрлашдан зўравонлик ҳаракатларига ўтилганлигини ёхуд «экстремистик» тафаккур зўравонлик ҳаракатларини тақозо этишини кўрсатадиган, давлатнинг аралашшига асос бўлиши

мумкин бўлган асосли далиллар йўқдир⁶⁴. Шундай қилиб, зўравон экстремизм ходисаси билан «экстремизм» атамаси орасидаги фарқ аниқ чегараланган бўлиши шарт. «Экстремал» қарашларга мойилликнинг ўзигина хавфсизликка таҳдид олмайди⁶⁵.

Бундан ташқари, агар «экстремизм»нинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид чоралар куч ишлатмайдиган фаолиятга қарши қаратилган бўлса, инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфи мавжуд бўлади. Қандайдир фикрга эга бўлиш ҳуқуқи ва ўз танловига кўра бирор дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уни қабул қилиш эркинлиги ҳеч қандай чекловларга дучор қилинмаслиги керак⁶⁶. Халқаро стандартларда шундай яққол огоҳлантириш борки, «экстремизм» сингари атамалардан дин ёки эътиқодларга қонуний амал қилиш кўринишларига босим ўтказиш учун фойдаланилмаслиги ёки уларнинг одатий динлардан фарқ қиладиган ёки «ноодатий» ҳисобланган динларга сиғинадиган шахслар, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга қарши

64 Қаранг: Expert Meeting on Security, Radicalization, and the Prevention of Terrorism [Хавфсизлик, радикаллашув ва терроризмнинг олдини олиш бўйича экспертларнинг анжумани], ЕХХТ, 10 октябр, 2008 й., <https://www.osce.org/odihr/34379>. 26-бандда кўрсатилишича, «исботланмай қолган тахминлар хавфи радикаллашув хавотирларини қамраб олади, улар диний эътиқодларнинг терроризм тактикасидан фойдаланишга тайёр бўлган фундаментал шакллари қориштиради. Мазкур назарияга мувофиқ, инсон амалда тўғридан тўғри анъанавий диний қарашлардан ўта экстремал диний қарашларга ва амалиёт томон боради, сўнг зўравонлик томон ўзини отади. Бу назариянинг фойдасига бирор-бир асосли далиллар мавжуд эмас».

65 «Экстремизм» концепцияси ва унинг оқибатларини қаранг: Махсус маърузачининг терроризм билан кураш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Маърузаси, БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc.A/HRC/31/65, 29 апрел, 2016 й., 21-22 бандлар, <https://undocs.org/ru/A/HRC/31/65>.

66 ФСХХП 18-моддаси фикр ва виждон эркинлигини ҳеч қандай чекланишига йўл қўймайди. Бу эркинлик ФСХХП 19(1)-моддасида кўзда тутилган ҳар кимнинг тўсиқларсиз ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқи сингари мутлоқ ҳимоядн фойдаланади.

йўналтирилмаслиги шарт⁶⁷. Чоралар, муайян жиноий қилмишларга эмас, эътиқодлар ва ғояларга йўналтирилганлиги фикр эркинлигини ва дин ёки эътиқодлар эркинлигини зарба остига қўяди. Шундай қилиб, иштирок этувчи давлатлар шуни таъминлашлари лозимки, хавфсизлик билан боғлиқ чора-тадбирлар фикрлар ва эътиқодларга эмас, хатти-ҳаракатларга тегишли бўлиши шарт ҳамда жангари экстремизм ва «экстремизм» орасида аниқ чегара ўрнатилиши керак⁶⁸. Бундай чора-тадбирлар, зўравонлик амаллари ёки зўравонликка ундаш билан алоқадорлигига бирор-бир далилга эга бўлмасдан туриб, «экстремизм»ни қувғин қилишга йўналтирилмаслиги лозим.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этиш ва шундай жамоатни рўйхатга олинганлигини бекор қилишнинг мавжуд асослари

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этиш ва шундай жамоатни рўйхатга олинганлигини бекор қилишнинг узоққа чўзиладиган асоратларини ҳисобга олган ҳолда, бундай ҳар қанақа қарорлар ФСХХПнинг 18(3)-моддасида кўрсатилган мезонларга мувофиқ аниқ асосланган бўлиши керак. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда

67 Қаранг: Comments on Amendments and Additions to the Law of the Kyrgyz Republic On Freedom of Religion and Religious Organizations in the Kyrgyz Republic [Комментарии ЕХХТ ДИИХБнинг Қирғиз Республикасининг «Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчаларга Шарҳлари], ЕХХТ/ДИИХБ, 22 март 2012, 18-19 банлар, <http://www.legislationonline.org/documents/id/16881>.

68 БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари маърузаси, БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc A/HRC/33/29, 21 июл, 2016 й., 6.1-банд, <https://www.undocs.org/ru/A/HRC/33/29>; Opinion on the Federal Law on Combating Extremist Activity on the Russian Federation [Венеция комиссиясининг Россия Федерациясининг «Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида»ги Федерал қонуни борасидаги хулосаси], Venice Commission, CDL-AD(2012)016, 20 июн, 2012 й., 59-банд, [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD\(2012\)016-e](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD(2012)016-e).

рад этиш ва шундай жамоатни рўйхатга олинганлигини бекор қилиш охириги чора эканлиги муносабати билан, бундай қарорлар мутаносиб бўлиши учун жиддий асосланиши тақозо этилади. Бундай чораларнинг амалга оширилиши имконияти фақат жамоат тартибига жиддий ва такрорланаётган ҳуқуқбузарликлар вазиятида ва бошқа (огоҳлантириш, жарима ёки солиқ имтиёзларидан маҳрум этиш сингари) энгил жазо чораларини самарали қўллаш имконияти қолмаганда кўриб чиқилиши лозим⁶⁹.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга юридик шахс мақомини беришни рад этиш ва шундай жамоатни рўйхатга олинганлигини бекор қилиш учун асослар хавфсизликка тахминий хавфлар эмас, балки муайян жамоат томонидан содир этилган ноқонуний амалларнинг аниқ далиллари бўлиши керак.

Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан, бундай чора-тадбирлар фақат жамоат жинойи фаолият билан шуғулланаётганлигига ёки инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланган дин ёки эътиқодларга жамоавий амал қилишга нисбатан чекловларга сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар содир этаётганлигига далиллар мавжудлигидагина зарур қадам деб ҳисобланиши мумкин. Муайян шахс ёки диний жамоатлар/ муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар зўравонлик ҳаракатларида ёки камситишга олиб келадиган фитна, адоват ёки зўравонликни қўзғаш мумкин бўлган нафратни тарғиб қилишда иштирок этаётганлиги ёхуд бошқа қандайдир тарзда бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказаётганлиги далилини исботлаш масъулияти давлатга юкланади.

69 Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan [Кенеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг «Озарбойжон Республикасининг «Эътиқод эркинлиги тўғрисида» Қонуни ҳақидаги Қўшма хулосаси], CDL-AD(2012)022, 15 октябр, 2012 й., 93-94-бандлар, [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD\(2012\)022-e](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD(2012)022-e).

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг алоҳида вакиллари ёки ҳатто раҳнамози мажбурлаш экстремистик фаолиятида (яъни, мажбурлаш хатти-ҳаракатини амалга оширганликда ёки мажбурлашга ундовчи фитнага алоқадорликда) иштирок этаётганлиги борасидаги далиллар билан таслиқланмаган хавотирлар жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этиш ва шундай жамоатни рўйхатга олинганлигини бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг айрим шахслари шундай ҳаракатларни содир этганлиги бутун диний жамоат ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоат бу қарашларга шериклигини ёки бундай ҳаракатларни оқлашини англатмайди. Бундай вазиятларда муайян шахс/ шахсларнинг ҳаракатлари ва масъулияти ҳамда бутун гуруҳнинг ҳаракатлари алоҳида кўриб чиқилиши керак. Шу муносабат билан, жамоатнинг алоҳида аъзоси томонидан содир этилган ҳар қандай ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар масаласи тегишли шахсга нисбатан жинойий, маъмурий ёки фуқаролик жараёни воситасида ҳал этилиши керак, бутун диний жамоатга ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатга қаратилмаслиги керак⁷⁰.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этилган ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилиш қарори қабул қилинганда, бундай қарор устидан шикоят қилиш ва/ёки судда кўриб чиқишнинг

70 Interim Joint Opinion on the Law on Making Amendments and Supplements to the Law on Freedom of Conscience and Religious Organizations and on the Laws on Amending the Criminal Code; the Administrative Offences Code and the Law on Charity of the Republic of Armenia [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунига тузатишлар киритилиши муносабати билан Дастлабки қўшма битими], ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси, 92-банд, кўрс. асар, 26-ҳавола.

самарали тартиботи таъминланиши керак⁷¹. Шикоят қилиш жараёни тезкор, шаффоф ва камситишдан холи бўлиши лозим. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини беришни рад этиш ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилишни тегишли қарорнинг устидан шикоят қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланилмай туриб жорий этиш мумкин эмас.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини беришни рад этиш ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилишдан зўравон экстремизмга ва террорга олиб борадиган радикаллашувга қарши курашда восита сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги масаласи

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини беришни рад этиш ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилишдан зўравон экстремизмга ва террорга олиб борадиган радикаллашувга қарши курашда восита сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги исботланган ҳодиса эмас. Аксинча, шундай хавотир борки, алоҳида шахсларнинг ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг дин ёки эътиқод эркинлигига эҳтимолий асосланмаган чекловлар ўрнатишдан ташқари, бундай чора-тадбирлар қатор кутилмаган салбий оқибатларга олиб келади. Улар жамоатнинг ўзини адолатсиз таъқиблар ва камстишларнинг қурбони сифатида қабул қилишини

71 Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова шохидлари» ва бошқалар Россияга қарши], ИХЕС (№ 302/02-ариза, Қарор, 10 июн, 2010 й.), 175-банд; Act CCVI of 2011 on the Right to Freedom of Con-science and Religion and the Legal Status of Churches, Denominations and Religious Communities of Hungary [Венгриянинг CCVI 2011 й. Виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи ҳамда Венгрияда Черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни бўйича хулосалар], Venice Commission, 38-банд.

кучайтириши мумкин, натижада уларнинг аъзолари зўравон экстремизм сифатида қараладиган ғояларга мойиллаштириши эҳтимоли кучаяди ёки улар радикаллашиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, бундай чора-тадбирлар ҳокимият ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасидаги ишончни барбод қилишга қодирдир ҳамда улар жамиятнинг хавфсизликни таъминлаш доирасидаги комплекс хатти-ҳаракатларидан ўзини ихоталашига олиб бориши ҳам мумкин. Айрим вазиятларда чеклов чоралари шунга олиб келиши мумкинки, бундай жамоатлар яширин фаолият юрита бошлайди ва бу уларнинг фаолияти тўғрисида ҳаққоний ахборотларни олишни қийинлаштиради.

Тавсиялар

Иштирок этувчи давлатлар учун

1. Иштирок этувчи давлатлар «экстремизм» ёки «диний экстремизм» сингари тушунчаларга асосланган ёки уларга таянадиган ҳуқуқий ёки бошқа чораларни жорий қилишдан тийилиб туришлари лозим, чунки бу атамалар мужмал ва уларнинг ўта дискрециявий ёки камситувчи ғайриҳуқуқий тарзда қўлланилиш эҳтимоли юқоридир.
2. Алоҳида диндорлар ёки гуруҳлар жиноий ёки ноқонуний ҳаракатларда иштирок этганда, иштирок этувчи давлатлар айбни умуман жамоатга юклаганлиги керак ва жазо чораларини фақат муайян шахсларга қўллаши керак.
3. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга, агар улар бундан истасалар, ўз диний фаолиятининг ҳамда эътиқодларига боғлиқ фаолиятларининг бутун жиҳатларини амалга ошира олишларига имкон берадиган турдаги ҳуқуқ субъекти мақомини

ва даражасини ҳавола этишнинг тегишли вариантлари ва тартибларини кўзда тутишлари лозим. Айти пайтда иштирок этувчи давлатлар юридик шахс мақомини олишни жамоатлар ёки алоҳида шахслар дин ёки эътиқодлар эркинлигидан фойдаланишининг дастлабки шарти қилиб қўймасликлари керак.

4. Иштирокчи давлатлар шуни таъминлашлари керакки, диний жамоатларга ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга юридик шахс мақомини беришни рад қилиш ёки рўйхатга олинганликни бекор қилиш тўғрисидаги ҳар қандай қарор ФСХҲПнинг 18(3)-моддасида кўрсатилган мезонларга мувофиқ бўлиши шарт.
5. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этилган ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилиш қарори қабул қилинганда, иштирок этувчи давлат тегишли жамоатга рад этиш ёки рўйхатга олишни бекор қилиш учун муайян асосларни кўрсатган ҳолда, далилланган қарорни ҳавола этиши лозим.
6. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этилганлиги ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилиш қарори қабул қилинганлиги тўғрисида хабар беришда иштирок этувчи давлат мазкур жамоатнинг стигмацияси тариқасида қабул қилиниши мумкин бўлган ифодалардан фойдаланмаслиги шарт. Бундан ташқари, шундай (масалан, хабардорликни ошириш, таълим дастурларини амалга ошириш, конфессиялараро ва динлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш сингари)

фаол қадамлар қўйилиши керакки, улар кўрсатилган қарорлар қабул қилиниши муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай шубҳалар, ишончсизлик, тоқатсизлик ва жамоатга нисбатан камситиш муаммоларини ҳал этсин ва тинч ҳамда хавфсиз яшашни таъминласин.

7. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этилган ёки шундай жамоатни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилиш қарори қабул қилинганда, бундай қарор устидан шикоят қилиш ва/ёки судда кўриб чиқишнинг самарали тартиботини таъминлашлари керак.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар учун

8. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга нисбатан давлат идоралари ва бошқа манфаатдор муассасалар иштирокидаги ошқора, конструктив ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотда иштирок этиш орқали умуман жамиятда хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш тавсияси амал қилади.

Фуқаролик жамияти учун

9. Фуқаролик жамияти ташкилотлари учун тегишли манфаатларни ҳимоя қилиш ҳаракатларида иштирок этиш ва диний жамоатларни рўйхатга олиш ҳамда уларга ҳуқуқ субъекти мақомини ҳавол этиш соҳасига оид миллий қонунчилик, сиёсат ва амалий чоратadbирлар **халқаро стандартларга мутаносиб бўлишига эришиш тавсияси** амал қилади.

4.2. «ЭКСТРЕМИСТИК» МУЛОҲАЗАРЛАР/АДАБИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК

Айрим тақводорлар ёки диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар етакчиларининг «экстремистик» ҳисобланадиган мулоҳазаларига хавфсизликка таҳдид сифатида қаралиши мумкин. Шундай мулоҳазалардан келтириши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга интила туриб, ЕХХТнинг айрим иштирок этувчи давлатлари уларни криминаллаштириш ва/ёки уларга нисбатан цензура жорий этиш қарорини қабул қиладилар.

Бундан ташқари, шундай хавотирлар билдириладиги, диний адабиётларнинг айрим шакллари (Интернетда ҳавола қилинганлари ҳам, қоғоздаги шакллари ҳам), жумладан муқаддас матнлар ҳам ўзининг «экстремистик» мазмуни туфайли тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин. Таъкидланадиги, бундай материаллар зўравонликка даъват этади, зўравонлик тасвирларига ва адоват тилига эга, шунингдек уларда диний мутлақлик ёки диний устуворлик даъволари бор. Бунинг натижасида давлатлар гоҳида муайян диний материалларни ман этувчи ёки уларни цензура қилувчи ёхуд уларни олиб кириш ва тарқатишни ман этувчи қарорлар қабул қиладилар. Гоҳида ҳокимиятлар диний матнлар доктрина сифатида асослими ёки улар «экстремистик» материаллардан иборат эканини аниқлаш учун давлатлар томонидан тайинланган экспертларнинг хулосаларидан фойдаланадилар.

Диний мулоҳазалар ва фикрни ифода этиш эркинлиги ҳамда дин ёки эътиқодлар эркинлигининг амал қилиши соҳаси

Диний мулоҳазалар фикр ва фикрларни эркин ифода этиш эркинлиги билан ҳам, дин ёки эътиқодлар эркинлиги билан ҳам муҳофаза қилинган. Бу иккита ҳуқуқ – демократик жамиятлар учун асосий ҳуқуқлардир. Улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини кучайтирувчи ҳуқуқлар ҳисобланади ҳамда «коммуникациявий эркинликнинг бир-бирини тўлдирувчи кафолатлари»⁷² бўлиб хизмат қилади. Инсоннинг ички эътиқодини ифода этишга бўлган эркинлиги демократик жамиятларнинг тавсифи бўлган ҳурфикрлиликни таъминлаш учун зарурдир, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қилувчи жамоатлар ичидаги, шунингдек улар орасидаги алоқалар дин ёки эътиқодлар эркинлигининг ўта муҳим жиҳатидир.

Камситишга, ёвузликка ёки мажбурлашга даъват қилишга нисбатан қонуний чекловлар жорий этилиши мумкин

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳамда фикрни ифода этиш эркинлиги бошқа инсонларга нисбатан камситишга, адоватга ёки мажбурлашга даъват қилишга ундайдиган эътиқодларни тарғиб қилиш ҳуқуқини бермайди. Диний мулоҳазалар эркинлиги халқаро ҳуқуқда ФСХПнинг 19-моддасига биноан ҳимоя қилинади. Модданинг 3-бандида айтилишича, фикрни ифода этиш эркинлигидан фойдаланиш «алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди», моддада бу эркинликни чеклаш учун қонуний чеклашнинг асослари санаб ўтилади

72 Қаранг: Дин ёки эътиқодлар эркинлиги масаласи бўйича Махсус маърузачи Хайнер Билефельдтнинг маърузаси, 26 декабр, 2013 й., A/HRC/25/58, <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/HRC/RegularSessions/Session25/Pages/ListReports.aspx>; Bielefeldt, H., Ghanea, N. & Wiener, M., Freedom of Religion or Belief – An International Law Commentary [Дин ёки эътиқодлар эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий шарҳлар], 481-506 бетлар.

(бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун, шунингдек давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун). Фикрни ифода этиш эркинлиги шунингдек Пактнинг 20(2)-моддаси билан ҳам тартибга солинади, унга кўра иштирок этувчи давлатлардан камситишга, адоватга ёки мажбурлашга ундовчи, миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракатларни қонун йўли билан таъқиқлаш талаб этилади. Шундай қилиб, халқаро стандартлар нафрат тарғиботининг барчасини ман этмайди. Ирқий камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг (ИКБШБК) 4(а)-моддаси ва ФСХХПнинг 20(2)-моддаси иштирок этувчи давлатларга нисбатан камситишга, адоватга ёки мажбурлашга ундовчи тарғиботни ман қилиш талабини кўзда туттади. Бундан ташқари, ИКБШБКнинг 4(а)-моддаси «миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ғояларни тарғибот этишни» талаб қилади, бироқ адоват уйғотишни тилга олмайди.

Камситишга, адоватга ёки мажбурлашга даъват этишдан иборат Миллий, ирқий ёки диний нафрат тарғиботини ман этиш бўйича Работ ҳаракатлар режаси, гарчанд мажбурий юридик кучга эга бўлмаса-да, халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланган. Унда муайян мулоҳазаларнинг «камситишга, адоватга ёки мажбурлашга даъват этувчи» эканлиги ёки эмаслигини ҳамда бу мулоҳазалар ман этиш чораларини қўллаш учун етарлича жиддийлигини аниқлашнинг олтита мезони келтирилган. Мазкур олтита мезон маъносига; мулоҳазанинг муаллифига (хусусан, мақомига ва бу шахснинг ёки ташкилотнинг таъсирига); ниятларга; мулоҳазанинг мазмунига ёки шаклига; мулоҳазанинг

ошокоралигига, шунингдек зарар етказиш эҳтимолига (ва муқаррарлигига)⁷³ тааллуқлидир.

«Экстремистик» туюлган диний мулоҳазалар учун жиноий жавобгарлик жорий этишдан, уларнинг муаллифларини суд тартибида таъқиб қилишдан ёки тегишли эркинликларни амалга оширишга аралашни кўзда тутган бошқа чекловларни амалга киритишдан аввал ҳокимиятлар муайян далилларни ўта синчковлик билан аниқлашлари лозим. Улар мулоҳазани (нутқ ҳужжати) юқорида тилга олинган олтита мезон асосида баҳолашлари керак, токим мулоҳазаларнинг ҳаққоний камситиш, адоват ёки зўравонлик тажовузларига даъват қилганлигини аниқлай олинлар⁷⁴. Ҳуқуқ-тартибот ва судлов идоралари ходимларини Работ ҳаракатлар дастурида ҳавола этилган олтита мезонларни қўллашга ўқитиш адоватга

73 Миллий, ирқий ёки камситиш, адоват ёхуд зўравонликка даъватдан иборат бўлган диний нафрат тарғиботини ман қилишга доир Работ Ҳаракатлар дастури, қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг миллий, ирқий ёки диний нафратни ман қилиш тўғрисидаги маърузаси, БМТ Бош Ассамблеяси, 11 январ, 2013 й., Илова, 29-банд, <https://undocs.org/A/HRC/22/17/Add.4>. Бу олти мезон турли мустақил экспертлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланди – қаранг, масалан, БМТнинг дин ёки эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачисининг маърузаси (III қисм «Жамоавий диний нафрат кўринишлари билан кураш»), БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc. A/HRC/25/58, 26 декабр, 2013 й., 58-банд <https://undocs.org/A/HRC/25/58>; Умумий тавсия № 35 «Ирқий тусдаги нафратомуз мулоҳазалар билан курашиш», Ирқий камситишни бартараф қилиш бўйича қўмита, UN Doc. CERD/C/GC/35, 12-30 август, 2013 й., 15-банд <http://undocs.org/en/CERD/C/GC/35>. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди мулоҳазалар таранг сиёсий ёки ижтимоий маънода айтилганми-йўқми; бу мулоҳазаларни, агар уларни адолатли ва бевосита ёхуд кенг маънода кўриб чиқилса, бевосита ёки билвосита зўравонликка даъват ёки зўравонликни, нафратни ёхуд тоқатсизликни оқлаш деб ҳисоблаш мумкинми-йўқми эканлигини; мулоҳазалар қай тарзда айтилган ва улар – бевосита ёки билвосита – хавфли оқибатларга олиб келиши эҳтимоли борми-йўқми; жазо қилмишга мутаносибми-йўқми эканлигини аниқлаш мақсадларида шунга монанд мезонлардан фойдаланади. Қаранг: *Perinçek v. Switzerland* [«Перинчек Швейцарияга қарши», ИҲЕС Катта палатаси], № 27510/08-ариза, Қарор, 15 октябр, 2015 й., 204-208 бандлар; *Stomakhin v. Russia* [Стомахин Россияга қарши], № 52273/07- ариза, Қарор, 8 октябр, 2018 й.), 88-134 бандлар, аниқса 93-банд, <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-1827310>.

74 *Stomakhin v. Russia* [Стомахин Россияга қарши], № 52273/07- ариза, Қарор, 8 октябр, 2018 й.), 88-134 бандлар, аниқса 93-банд,

даъват этиш «остонаси» ўтилган-ўтилмаганлигини аниқлаш учун сезиларли тарзда кўмаклашар эди. Фақатгина ФСХХПнинг 20(2)- моддаси амал қилиши доирасига тушадиган мулоҳазалар ман этилиши зарур. Бундан ташқари, сўз эркинлигига қўйиладиган барча чекловлар (ҳатто 20(2)-моддасига нисбатан ҳам) рухсат этиладиган чекловларнинг умумий қоидалари ва кафолатларига мувофиқ бўлиши лозимлиги туфайли, иштирок этувчи давлатлар ҳар қандай чекловларни 19(3)- моддага қатъий мувофиқ тарзда асослашлари шарт⁷⁵. Шу томондан Работ ҳаракатлар дастури даъватларга жавоб беришнинг ўзгарувчан шкаласини тавсия этади, унга кўра жинойий-ҳуқуқий чоралар энг охирги чора сифатида кўриб чиқилади⁷⁶.

Диний адабиётларнинг аҳамияти

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари 1989 йилда тақводорлар ва диний жамоатларнинг ўз танловларига кўра танлаган тилларида муқаддас китобларни, шунингдек дин ёки эътиқодларга амал қилиш учун зарур бўладиган бошқа ашёлар ва материалларни олиш, эгалик қилиш ва улардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқладилар. Улар шунингдек диний ибодатлар, институтлар ва ташкилотларга диний адабиётлар

75 Замечание общего порядка № 34: модда 19 «Свобода мнений и их выражения», Комитет по правам человека ООН, UN Doc. CCPR/C/GC/34, 11-29 июля 2011 г., п. 52, <https://undocs.org/en/CCPR/C/GC/34>.

76 БМТнинг дин ёки эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси, 58-банд, кўрс. асар, 29-ҳавола. Шунингдек қаранг: Работ ҳаракатлар дастури, Илова, 34-банд, кўрс. асар, 73 ҳавола.

ва материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга рухсат бериш мажбуритини олдилар⁷⁷.

Диний адабиёт – диний мулоҳазалар нуқтаи назарларидан биридир. У тенг миқдорда ҳам фикр ва уни ифода этиш эркинлиги, ҳам дин ёки эътиқодлар эркинлиги билан ҳимояланади. Бундай адабиётни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга нисбатан ҳар қандай аралашини кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни бузиш ҳисобланиши мумкин ва ФСХҲПнинг 18(3)- ва 19(3)-моддариди ўрнатилган мезонлар билан қатъий асосланган бўлиши керак. Фикрни ифода қилиш эркинлигини чеклашнинг эҳтимолий асосларидан бири бўлган «давлат хавфсизлиги»ни муҳофаза қилиш, шунга қарамасдан 18(3)-моддада кўзда тутилган чекловлар рўйхатига кирмайди, бу шуни англатадики, ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш эркинлиги бундай асос билан чекланиши мумкин эмас.

Диний адабиётлар билан юзага келадиган иккита муаммо шундан иборатки, бундай адабиётда зўравонлик ҳақида ҳикоятлар бўлиши ёки зўравонлик тасвирлари, шунингдек унда диний мутлақлик ва диний устуворлик таъкидланган бўлиши мумкин. Диний адабиёт ва зўравонлик ўртасидаги алоқадорлик масаласи мураккаб, зид ҳисобланади ва мазкур нашр доирасидан ташқарига чиқади⁷⁸. Бироқ, шу нарса аниқки, ёвузлик ва зўравонлик инсон фаолиятининг натижасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, БМТнинг Дин ёки эътиқодлар

77 Вена Яқунловчи ҳужжати, 1989 й., 16.9-банд. Бундан ташқари, БМТнинг 1981 йилги Дин ёки эътиқодлар асосида юзага келган тоқатсизлик ва камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларациясига мувофиқ, фикр, виждон, дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи ёзиш, бу соҳаларда тегишли нашрларни чиқариш ва тарқатиш (6(d) модда), шунингдек алоҳида шахслар ёки жамоатлар билан дин ёки эътиқодлар соҳасида миллий ва халқаро даражада алоқалар ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш эркинлигини ўз ичига олади (6(i)-модда).

78 Дин ва зўравонлик ўртасидаги фарзий алоқалар. Қаранг: БМТнинг Дин ёки эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси маърузаси, БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc A/HRC/28/66, 29 декабр, 2014 й., <https://undocs.org/A/HRC/28/66>.

эркинлиги бўйича Махсус маърузачиси қуйидагиларни таъкидлайди:

«Мажбурлаш хато тарзда айрим динларнинг ёки умуман диннинг табиати билан тушунтириладиган „эссенциалистик“ қарашлардан воз кечиш муҳимдир[...] ёвуз жиноятлар ҳамиша динлар томонидан эмас, инсонлар томонидан амалга оширилади. Айнан одамлар – алоҳида шахслар, шахслар гуруҳлари, жамоатларнинг етакчилари, давлатларнинг вакиллари, нодавлат субъектлар ва ҳоказолар – ёвузликни қонунийлаштириш, қувватлаш, тарқатиш ёки кучайтириш учун динни ёки муайян диний тамойилларни рўқач қиладилар. Бошқача айтганда, Дин ва мажбурлаш ўртасида бевосита алоқадорлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас; улар бу ўзаро алоқадорликни барпо этадиган ёки уни узадиган инсонлар, яъни алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари орқали боғлиқдирлар»⁷⁹.

Мажбурлаш ҳақидаги ҳикояларни ёки зўравонлик тасвирларини уларнинг тарихий маъносига жойлаштирадиган шарҳларни тайёрлаш ва тарқатиш танқидий тафаккурнинг ривожланишига кўмаклашади ва ўқилганларни шундай англашга олиб келадики, у инсон қадр-қимматини ва инсон ҳуқуқларини тасдиқлайди. Бундай ёндошув, диний матнларни ман қилиш ёки уларни цензура қилиш ёхуд тарқалишини чеклашдан кўра, янада самаралироқ ва сезиларли даражада фикр эркинлигини ва дин ёки эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қилади.

Ҳақиқатни билишга даъвогарлик кўплаб динлар ва ғайридиний эътиқод тизимларига хосдир; улар шундай ғояни англаштиришлари мумкинки, унга кўра фақат шу динда ёки эътиқод тизимида қабул қилинган талабларга мувофиқ ҳақиқатни англаш ва ҳақиқий тақводор бўлиб яшаш мумкин. Бу фақат шундай битта дин ёки эътиқод тизими, жумладан унинг ахлоқий-маънавий

79 Ўша жой, 15-банд.

меъёрлари бошқаларникидан юксакроқдир деган тасаввурнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай тасаввурлар, ўз навбатида, низолар манбаи бўлиши ва жамиятнинг беқарорлигига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Токим бу даъволар камситишга, адоватга ёки мажбурлашга ундайдиган фитнакор мулоҳазаларга олиб келгунича, улар динлар ёки эътиқодлар турли-туманлигининг қисми ҳисобланади ва фикрни ифода этиш эркинлиги ва дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимояси остида бўлади⁸⁰.

Ҳақиқатга даъвогарликка доир мулоҳазалар учун жазолаш дин ёки эътиқодлар соҳасида мулоқотлар эркинлигини тийиб турувчи таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шу сабабли қайсидир дин ёки эътиқодларнинг афзаллиги борасидаги бунга ўхшаш мулоҳазаларни чеклашни ёки жинойлаштиришни кўзда тутган қонунлар бекор қилиниши лозим. Алал-оқибат, ривжланган мулоқот ва таълим мезонларини ўз ичига олган дин ёки эътиқод эркинлиги танқид ва шундай фикрларни турли нуқтаи назарлардан ва позициялардан баҳолаш учун қулай муҳит яратишга кўмаклашади. Бу бир дин ёки эътиқод тарафдорлари орасида ҳам, турли динлар ва эътиқодларга итоат қиладиган инсонлар ўртасида ҳам умумий қарашларни излашни осонлаштириши мумкин.

«Экстремистик» диний адабиётни баҳолашда давлат тайинлаган экспертларнинг роли масаласи

ЕХҲТнинг айрим иштирок этувчи давлатлари муайян диний матнларни «экстремистик» деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлигини аниқлаш учун экспертларни тайинлайдилар ва уларнинг хулосаларига таянадилар. Мазкур атамадан фойдаланиш борасида хавотирлар мавжудлигини ва

80 Устуворлик тўғрисидаги хато таъкидлар учун жиной жазо жорий этилиши масаласини кўриб чиқиш. Қаранг: БМТнинг Дин ёки эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси, БМТ Бош Ассамблеяси, 66-68-бандлар, UN Doc.A/HRC/31/18, 23 декабр, 2015 й. <https://undocs.org/A/HRC/31/18>.

диний матнларни шарҳлаш учун мезонларни ифодалашга ёндошувлар тўғрисида экспертлар ҳамжамиятида келишув йўқлигини билганимиз ҳолда, айтишимиз мумкинки, бундай экспертларнинг хулосалари цензурага йўналтирилган чораларни кўриш ёки муқаддас матнларни ёхуд уламоларнинг асарларини таъқиқлаш учун ишончли асос бўла олмайди. Шундай қилиб, бундай адабиётларга тўғри баҳо бериши керак бўлган экспертларнинг давлат томонидан тайинланиши шубҳали қадам ҳисобланади. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг тегишли муқаддас матнларнинг ёки уламоларнинг асарларига ўзларининг қўллаб-қувватланган шарҳларини ҳавола этиш ҳуқуқларини қамраб олади. Диний адабиётларни баҳолашга масъул давлат идоралари мазкур шарҳларга жиддий қарашлари ва автоматик тарзда шу матнлар ҳақида давлат тайинлаган экспертларнинг хулосаларига устунлик бериб юбормасликлари лозим.

Дин ёки эътиқодлар замирида камситиш, нафрат ва тоқатсизликнинг янада кенг анъаналари билан курашиш мақсадларидаги эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатлар

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар шуни таъкидлайдиларки, «камситиш ва тоқатсизлик хавфсизлик ва барқарорликка путур етказиши мумкин бўлган омиллар қаторига киради»⁸¹. Узоқ йиллар мобайнида иштирок этувчи давлатлар дин ёки эътиқодлар замирида юзага келадиган камситиш ва тоқатсизликни бартараф қилишга қаратилган самарали

81 ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашишга доир стратегияси, ЕХХТ, Маастрихт, 2003, 36-банд.

чораларни қабул қилиш эҳтиёжига мувофиқ ҳаракат қилиб келадилар⁸².

Дин ёки эътиқодлар замирида юзага келадиган камситиш ва тоқатсизликни бартараф қилишда ижобий рол ўйнайдиган чора-тадбирлар оммавий ахборот воситалари қилаётган саъи-ҳаракатлар билан бирга, ўз ичига хабардорликни оширишни, таълим дастурларни, шунингдек конфессиялараро ва динлараро мулоқот ва ҳамкорликни қамраб олиши керак. Бундай диний тоқатсизликнинг туб сабабларини бартараф этишга йўналтирилган ҳамда одамлар ва турли динлар ва эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасида ўзаро ишонч ва бир-бирини англашга кўмаклашадиган чора-тадбирлардан, аввалгидай, ҳали ҳам ЕХХТ минтақасида етарлича фойдаланилмайди, ҳолбуки бу соҳада кўп сонли мажбуриятлар мавжуддир⁸³.

Ахборот-маърифий дастурлар бутун жамиятни диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар, уларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишда ёрдам бериши мумкин. Бу дастурлар турли динлар ва эътиқодларнинг чуқур англанишига ва ҳурмат қилинишига кўмаклашар экан, умуман жамиятдаги камситиш, адоват ва тоқатсизликни қувватловчи ва кучлантирувчи хурофотлар ва салбий стереотипларнинг тарқалишини камайтириши мумкин. Давлат ҳокимияти идоралари, оммавий ахборот воситалари, маданий мерос марказлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш миллий

82 Қаранг: ЕХХТ доирасидаги тегишли ҳужжатлар ва битимлар: Копенгаген ҳужжати 1990 й., Париж хартияси 1990 й., Хелсинки ҳужжати «Ўзгаришлар даври даъватлари» 1992 й., ЕХХС Вазирлар кенгашининг ўн тўртинчи учрашуви Ҳужжати, Рим, 1993 й., Будапешт ҳужжати 1994 й., Истанбул ҳужжати 1999 й., Вазирлар кенгашининг тўққизинчи учрашуви ҳужжати, Бухарест, 2001 й., Вазирлар кенгашининг ўнинчи учрашуви ҳужжати, Порту 2002 й., Маастрихт ҳужжати 2003 й., София ҳужжати 2004 й., Любляна ҳужжати 2005 й., Брюсел ҳужжати 2006 й., Мадрид ҳужжати 2007 й., Хелсинки ҳужжати 2008 й., Афина ҳужжати 2009 й. (кўрс. асар, 16-ҳавола), Киев ҳужжати 2013 й. (кўрс. асар, 8-ҳавола).

83 Шунга монанд ижобий чоралар Работ ҳаракатлар дастурида тавсия этилган, Илова., 23-29-бандлар (кўрс. асар, 73-ҳавола).

институтлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, динлараро ва конфессиялараро тизимлар, таълим соҳаси мутахассислари ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар, – буларнинг бари бу дастурларга қимматли ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Таълим, айниқса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дин ёки эътиқод замирида юзага келадиган камситиш ва тоқатсизликлар билан курашда муҳим ўрин тутаети⁸⁴. Бу жараён бутун умр давом этади, у расмий мактаб таълими билан чегараланиб қолмайди. Биргаликдаги тинч ҳаётга қобилликни шакллантириш учун инсонларга шундай таълим жараёнлари керакки, улар турли-туманликнинг қимматлигини тушунишни тарбияласин ва ҳар бир инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ва инсон ҳуқуқларини, шу жумладан дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқни ҳурмат қилишга асосланган бағрикенглик ҳамда ўзаро бир-бирини англашни қўллаб-қувватласин. Мактаблар ахборот бериши ва ЕХХТ минтақасида ривожланаётган диний, дунёқарашга доир ва маданий турли-туманлик шароитида ҳаёт учун зарур билим ҳамда кўникмаларни (шу жумладан, танқидий тафаккур кўникмаларини) ривожлантириши лозим⁸⁵.

84 Қаранг: ЕХХТ ДИИХБ ва ЮНЕСКОнинг қўшма нашри: «Противодействие антисемитизму при помощи образования: руководящие принципы для разработчиков политики» (Варшава, БДИПЧ, 2019). Унда таълим орқали инсон ҳуқуқларига асосланган дастурлар ишлаб чиқиш, глобал фуқаровийлик руҳида ва инклюзивлик ҳамда гендер тенглиги тамойилларида таълим концепциясини яратиш йўли билан антисемитизмга қарши курашиш, хурофотларга қарши курашиш ва бағрикенгликни қўллаб-қувватлашнинг муайян усуллари ҳавола этилган, <https://www.osce.org/odihr/383089>. Қаранг: ЕХХТ ДИИХБ нашри: «Противодействие нетерпимости и дискриминации в отношении мусульман: руководящие принципы для преподавателей (борьба с исламофобией через образование)», Варшава, БДИПЧ, 2012. <https://www.osce.org/odihr/84495>.

85 Қаранг: Final Document of the International Consultative Conference on School Education in Relation to Freedom of Religion or Belief, Tolerance and Non-Discrimination [Халқаро маслаҳат анжуманининг мактаб дастурларида дин ёки эътиқодлар эркинлиги, тоқатлилик ва камситмасликнинг акс этирилишига бағишланган Яқунловчи ҳужжати], UN Doc. E/CN.4/2002/73, Илова, <https://undocs.org/E/CN.4/2002/73>.

Аёллар ва қизлар муайян диний анъаналарга содиқлиги, кўпинча диний кийимларни кийганликлари ёки рамзларни таққанлари учун қиёслаб бўлмайдиган даражада номутаносиб ҳақоратли ва таҳқирловчи фикрларга, шунингдек нафрат замирида юзага келган жиноятларга ва турли ходисаларга нишон бўладилар. Бу аёллар икки томонлама – ҳам жинсий ва ҳам диний тааллуқлигига кўра камситиладилар. Шу муносабат билан таълим ҳам аёллар ва қизлар амалга оширадиган танловни, хусусан улар томонидан ўз диний эътиқодларини намоён қилиш усулларини чуқур англашга кўмаклашади.

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари очиқ ва шаффоф конфессиялараро ва динлараро мулоқотнинг, шунингдек турли диний конфессияларга ва эътиқодлар тизимларига тааллуқли инсонлар, шунингдек диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасида шериклик муносабатлари муҳимлигини эътироф этадилар⁸⁶. Бу дин ёки эътиқодлар замирида юзага келган камситиш ва тоқатсизликка қарши курашда ёрдам беради ва бу билан хавфсизликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади⁸⁷.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигининг амал қилиш соҳаси динлар ва эътиқодлар тизимлари ўртасидаги алоқалар ва ахборот алмашинувларнинг барча шаклларни, шу жумладан конфессиялараро ва динлараро мулоқотни ўз ичига олади. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги – барчага тааллуқли, умумий инсон ҳуқуқидир ва шунинг учун конфессиялараро ва динлараро

86 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳам эътироф этадики, «ғояларни очиқ ва ошкора муҳокама қилиниши, шунингдек маҳаллий, миллий ва халқаро даражада динлараро ва маданиятлараро мулоқот диний тоқатсизликдан ҳимоя қилишнинг энг яхши усулларида бири бўлиши мумкин» (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қабул қилган 16/18 резолюция, UN Doc, A/HRC/RES/16/18, 24 март, 2011 й., 4-банд, <https://undocs.org/A/HRC/RES/16/18>).

87 ЕХХТ доирасида қабул қилинган қатор мажбуриятларда конфессиялараро ва динлараро мулоқот тилга олинганини кўриш мумкин. Қаранг, масалан: Порту ҳужжати 2002 й., Маастрихт ҳужжати 2003 й., София ҳужжати 2004 й., Любляна ҳужжати 2005 й., Хелсинки ҳужжати 2008 й., Киев ҳужжати 2013 й., ЕХХТ Вазирлар кенгаши ўн биринчи учрашувининг Якуловчи ҳужжати, Базел, 2014 й.

мулоқотлар учун жамиятда мавжуд бўлган диний жамаотлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг (жумладан, яқинда ташкил топган ёки кичкина гуруҳларнинг) бутун турли-туманлигини ҳисобга оладиган инклюзив ёндошув лозимдир.

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари «очиқ ва шаффоф маданиятлараро, конфессиялараро ва динлараро мулоқотни ҳамда шериклик алоқаларини олдинга суриш ва осонлаштириш» мажбуриятларини олдилар⁸⁸. Шу нарса муҳимки, мулоқот соҳасидаги давлат томонидан қўллаб-қувватланган ва дастакланган ҳар қандай ташаббуслар камситишдан холи бўлиши ва диний жамаотлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар мустақиллиги ва ўз ихтиёри билан иштирок этишини тўла ҳурмат қилиши лозим. Жамоатларнинг ўзлари конфессиялараро ва динлараро мулоқотни ўз ихтиёрларига кўра, давлат розилигини ёки рухсатини олишсиз йўлга қўйишда эркиндирлар. Ғуқаролик жамияти ташкилотлари ҳам конфессиялараро ва динлараро мулоқотни, ҳам тегишли бошқа шерикчилик алоқаларини қўллаб-қувватлашда ва дастаклашда ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, конфессиялараро ва динлараро мулоқотга нисбатан универсал ёндошув мавжуд эмас; бундай мулоқот ҳам расмий, ҳам норасмий шароитда, шунингдек барча даражаларда – маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда олиб борилиши мумкин. ЕХХТнинг минтақасида диний жамаотлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар етакчилари иштирокида бўлиб ўтган мулоқот соҳасида самарали расмий

88 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг №3/13 қарори, кўрс. асар, 8-ҳавола, ва ЕХХТ Вазирлар кенгашининг № 8/14 декларацияси, «Антисемитизм билан курашишга доир саъй-ҳаракатларни кўпайтириш тўғрисида», Базелда қабул қилинган, 2014 й., бу ҳужжатлар иштирок этувчи давлатларни, бошқа мажбуриятлардан ташқари, «очиқ ва транспарент маданиятлараро, конфессиялараро ва динлараро мулоқот ҳамда шериклик алоқаларини олдинга суриш ва енгиллаштириш»га чақиради.

тадбирларга кўплаб мисоллари бор. Бироқ ўзаро бир-бирини тушуниш, ижтимоий жипслик ва хавфсизликни илгари суришда қуйи даражадаги норасмий фаолиятнинг аҳамияти етарлича ишлаб чиқилмаган. Мулоқот соҳасидаги расмий ва норасмий тадбирларга бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалар сифатида қараш лозим ҳамда тегишли стратегияларни ишлаб чиқишда бу икки йўналишни тенг даражада ҳисобга олиш лозим. Шунингдек барча конфессиялараро ва динлараро ташаббусларда аёлларнинг тўла ва тенг иштирокини, шунингдек ёшларнинг муҳим ва сезиларли қатнашувини таъминлаш учун тизимли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарур, чунки одатда бу гуруҳлар бундай фаолиятда етарлича вакилликка эга бўлмайди, демакки, уларнинг овозлари тингланмайди⁸⁹.

Жамиятнинг динлар ва эътиқодлар турли-туманлигига муносабатини шакллантиришда ҳам давлат, ҳам хусусий оммавий ахборот воисталари муҳим ўрин тутаяди. ОАВ жамиятга диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар билан боғлиқ аниқ ахборотларни ҳавола этишга ва ҳодисаларни ҳақиқатга мос тарзда ёритишга, айти пайтда уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини ҳурмат қилишга масъулдирлар. Оммавий ахборот воситалари жамиятга барча диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар тўғрисида ижобий материаллар ҳавола этар ва салбий ҳамда камситувчи стереотиплардан ўзини тортар экан, алоҳида шахсларнинг ва бутун жамоатларнинг ҳаққоний ҳаёт тажрибасига асосланган, мавжуд муаммоларни четлаб ўтмайдиган янада бағрикенг ижтимоий мулоҳаза шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Айти пайтда ОАВ турли динлар ва эътиқодларга эга одамларнинг биргаликда тинч яшашларига доир ўта муҳим оммавий

89 Қаранг, масалан, Мадрид ҳужжати 2007 й., бу ҳужжатда иштирок этувчи давлатлар «динлар ва маданиятлар орасида ўзаро ҳурмат ва бир-бирини англаш қарор топишида ёшлар ўйнаши мумкин бўлган муҳим рол»ни очиқ шаклда эътироф этадилар.

фикр ривожланишига қатнашувчи энг асосий манфаатдор томонлардан бири ҳисобланади.

ОАВнинг муҳим ўрни ЕХХТнинг қўллаб мажбуриятларида белгилаб қўйилган⁹⁰, бу мажбуриятлар шунингдек «журналистлар томонидан яна юксакроқ малакани, аниқликни ва журналистларнинг ахлоқ меъёрларига риоя қилишларини таъминлаш учун ихтиёрий касб мезонлари қабул қилинишини, ОАВ ўз-ўзини тартибга солишининг бошқа мақбул механизмлари яратилишини» қўллаб-қувватлайди⁹¹. Охирги йилларда рақамли майдон тоқатсизликни ифодалаш ва дин ёки эътиқодлар замирида камситиш, адоватга ёки зўравонликка даъват қилиш майдонига айланди. Мазкур ҳодисалар билан курашиш учун таълим соҳасида ижтимоий тармоқларда барғрикенгликни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни тарбиялашга йўналтирилган тезкор чоралар кўрилиши керак.

90 ЕХХТнинг қатор ҳужжатларига қаранг: Истанбул ҳужжати 1999 й., Порту ҳужжати 2002 й., Любляна ҳужжати 2005 й., София ҳужжати 2004 й., Брюсел ҳужжати 2006 й. ва Мадрид ҳужжати 2007 й.

91 Брюсел ҳужжати 2006 й., 9-банд, ва Мадрид ҳужжати 2007 й., 4-банд. Шу муносабат билан фикрни ифода этиш ва тенглик эркинлиги бўйича Кемден тамойилларининг аҳамияти ва долзарблигини таъкилаш лозим. Кемден тамойиллари фикрни ифодалаш, шу жумладан матбуот эркинлигидан жамиятдаги тенглик ва камситмасликни қувватлашда фойдаланишни қўллаб-қувватлайди. 6-тамойилга кўра, «барча ОАВ, ахлоқ ва ижтимоий масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, шундай қадамлар қўйишлари керакки,, токим: (i) уларнинг ходимлар штати ранг-баранг бўлиши ва жамиятни намоён этиши кераклигига ишониш мумкин бўлсин; (ii) жамиятдаги барча гуруҳлар масалаларини имкон қадар тадқиқ этиш лозим; (iii) турли жамоатлар ичида манбалар ва овозлар турли-таманлигига интилиш шарт, жамоатларни яхлит бир монолит бирлашма деб ҳисобламаслик керак; (iv) ахборот беришнинг тан олинган малака ва ахлоқ тамойилларига мос бўлган юксак мезонларига риоя қилиш лозим». Қаранг: Фикрни ифода этиш ва тенглик эркинлигига доир Кемден тамойиллари, Article 19 ташкилоти, <https://www.article19.org/wp-content/uploads/2009/04/Camden-Principles-RUSSIAN-web.pdf>.

Тавсиялар

Иштирок этувчи давлатлар учун

1. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга, уларнинг инсоний ҳуқуқларига бағишланган ахборот-маърифий дастурларни амалга ошириш имкониятларини кўзда тутишлари лозим. Бундай дастурлар фуқаролик жамияти ташкилотлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтлари, маданий мерос марказлари, оммавий ахборот воситалари, таълим соҳаси мутахассислари ва жамоатларнинг ўзлари билан ҳамкорликда тайёрланиши мумкин.
2. Иштирок этувчи давлатлар шуни таъминлашлари лозимки, барча даражадаги мактаб дастурлари динлар ва эътиқодлар турли-туманлиги тўғрисида ҳолис ва аниқ ахборот ҳавола этиши ва ўқувчиларда бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишнинг аҳамиятини англашни шакллантириши лозим. Таълим жараёни, шунингдек турли динлар ёки эътиқодларга амал қиладиган ўқувчиларга ўз тажрибаларида, табиий ва мазмунли мулоқот вазиятида тафовутлар ва турли-туманликни тушунишлари учун бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилиш имкониятини ҳавола этиши шарт.
3. Иштирок этувчи давлатларга конфессиялараро ва динлараро мулоқот ва жамиятнинг барча даражаларида тегишли шериклик алоқаларига оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва дастаклаш, айни пайтда диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мустақиллигини

ҳамда бундай саъй-ҳаракатларда бу жамоатларнинг қатнашиши ихтиёрий характерга эгаллигини ҳурмат қилиш тавсия этилади. Давлатлар шунга ишонч ҳосил қилишлари керакки, бундай ташаббуслар диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мавжуд ва шаклланаётган турлитуманлигини акс эттиради, шунинг учун иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёлларнинг тенг иштирок этишлари ҳамда ёшларнинг сезиларли ва аҳамиятли қатнашуви учун барча саъй-ҳаракатларни қилишлари лозим.

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзаро бир-бирини англашни мустақкамлаш ва жамиятда бағрикенгликни қувватлаш учун бундай фаолиятнинг муҳим салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйи даражадаги норасмий мулоқотни йўлга қўйиш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашлари ва дастаклашлари зарур.
5. Иштирок этувчи давлатлар дин ёки эътиқодлар замирида камситиш, адоват ёки мажбурлашга даъват қилишнинг олдини олиш учун чоралар кўрар экан, фикр ва уни ифода қилиш эркинлиги ҳамда дин ёки эътиқодлар эркинлигига оид инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари шарт. Хусусан, иштирок этувчи давлатлар умумий қоидаларга риоя қилишлари ва ФСХҲПнинг 18(3)- ва 19(3)-моддаларида кўзда тутилган эҳтимолий чекловларга нисбатан кафолатларни таъминлашлари ва ФСХҲПнинг 20(2)-моддасининг каситиш, адоват ёки мажбурлашга даъват этишдан иборат миллий, ирқий ёки диний нафрат ташвиқотини ман қилиш тўғрисидаги талабларини бажаришлари лозим.

6. Иштирок этувчи давлатларга ҳуқуқ-тартибот ва суд идораларининг ходимларини Работ ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган, нафратга даъват этиш «остонаси»дан ўтилган-ўтилмаганликни аниқлашда ёрдам берадиган олти мезонни (маъно; мулоҳаза муаллифи; мазмуни ва шакли; мулоҳазанинг ошкоралиги: зарар етказишнинг эҳтимоли ва қайтарилмаслигини) англаш ва қўллашга ўқитишни таъминлаш тавсия этилади.
7. Иштирок этувчи давлатлар диннинг ёки эътиқодларнинг устуворлигини тасдиқлаш учун жазони кўзда тутувчи ҳар қандай қонунларни бекор қилишлари керак, чунки бундай тасдиқлаш «экстремистик» ҳисобланмайди.
8. Иштирок этувчи давлатлар давлат томонидан тайинланган экспертларнинг диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг муқаддас матнларини талқин этиш ва баҳолашда «экстремизм» мавжудлиги хулосаларидан мутлақ равишда фойдаланиш амалиётидан воз кечишлари лозим.
9. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг турли ташкилий тизимини ва мустақиллигини, шунингдек бундай жамоатлар иштирокининг ихтиёрий хусусиятини ҳурмат қилган ҳолда, ўз юрисдикцияси доирасида барча учун дин ёки эътиқодлар эркинлини ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадларида барча жамоатлар билан фаол ва тизимли тарзда ўзаро ҳаракат қилишлари зарур. Иштирок этувчи давлатлар ишончни мустаҳкамлаш мақсадларида турли диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган

жамоатлар вакиллари иштирокида миллий, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги алоқанинг доимий воситаларини ва/ёки мувофиқлаштирувчи марказларни барпо этишлари зарур.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар учун

10. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга конфессиялараро ва динлараро мулоқотларда иштирок этиш ҳамда тегишли шериклик алоқаларини ўрнатиш тавсия этилади.
11. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга аёлларни уларнинг тенг иштирокини таъминлаш мақсадида конфессиялараро ва динлараро мулоқот доирасидаги тадбирларда фаолроқ жалб этиш тавсия этилади.
12. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга конфессиялараро ва динлараро мулоқотлар доирасида ёшларнинг салмоқли ва аҳамиятли тарзда иштирокини таъминлаш мақсадларида уларни янада фаолроқ жалб этишга кўмаклашиш тавсия қилинади.
13. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар етакчилари камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этишдан иборат бўлган нафрат тарғиботини кескин ва дарҳол қоралаб чиқишлари ва бу билан ўз жамоатларини бундай тарғиботда иштирок этаётган диндошларидан ажратиб олишлари керак.

14. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга давлат идоралари ва бошқа манфаатдор томонлар билан фаол ва тизимли тарзда ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш, барча учун дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатлар қилиш тавсия этилади.

Фуқролик жамияти учун

15. Фуқаролик жамияти ташкилотларига жамиятни умуман диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар тўғрисида, уларнинг инсоний ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиш учун ахборот-маърифий дастурларнинг ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш тавсия қилинади.
16. Фуқаролик жамияти ташкилотларига диний бағрикенглик маданиятини ва ўзаро бир-бирини англашни, шунингдек янги оммавий ахборот воситаларидан камситиш, адоват ёки мажбурлашга даъват қилиш учун платформа сифатида фойдаланишнинг олдини олишни олдинга суриш учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тавсия этилади.
17. Фуқаролик жамияти ташкилотларига барча учун дин ёки эътиқодлар эркинлиги ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларда давлат идоралари, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан изчил ўзаро ҳаракат қилиш тавсия этилади.

18. Фуқаролик жамиятларига диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар етакчиларининг камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этишдан иборат бўлган нафрат тарғиботига қарши чиқишга доир саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тавсия этилади.
19. Фуқаролик институти ташкилотларига дин ёки эътиқодлар замирида юзага келадиган камситиш ва тоқатсизлик билан курашда кўмаклашадиган, инсонлар ва турли динлар ёки эътиқодлар билан боғлиқ жамоатлар ўртасидаги ўзаро англашни ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайдиган ҳамда барча инсонлар учун дин ёки эътиқодлар эркинлигини таъминлайдиган конфессиялараро ва динлараро мулоқотда ва шериклик алоқаларида кўмаклашиш ва дастаклаш тавсия этилади.
20. Фуқаролик жамияти ташкилотларига турли динлар ва эътиқодларга амал қиладиган инсонларнинг биргаликда яшашлари масалаларига бағишланган ўта муҳим оммавий масалалар бўйича ОАВ ва бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.
21. Фуқаролик жамияти ташкилотларига камситиш, адоват ва мажбурлашга даъватдан иборат бўлган нафрат тарғиботига қарши туриш, нафрат объекти бўлганларни қўллаб-қувватлаш тавсия қилинади.

Оммавий ахборот воситалари учун

22. Ҳам давлат, ҳам хусусий оммавий ахборот воситаларига ўз аудиторияларига холис ва аниқ ахборот ҳавола этиш, турли динлар ва эътиқодлар тизимини ёритиш, шунингдек салбий

стереотипларни ва хурофотларни фoш этиш орқали динлар ва эътиқодларнинг турли-туманлигини ҳурмат этилишини мустаҳкамлаш учун юксак даражада саъй-ҳаракатлар қилиш тавсия этилади.

23. Оммавий ахборот воситаларига дин ва эътиқодларга доир жамият учун долзарб бўлган мавзуларни ҳолис ва аниқ ёритиш мақсадларида ихтиёрий тамойил ва мезонларни (масалан, журналист ахлоқи кодексларини) ишлаб чиқиш тавсия этилади. Улар шуни таъминлашлари лозимки, тегишли материаллар ишончли манбалардан олинган бўлиши ва турли нуқтаи назарларни ифода этиши зарур. Оммавий ахборот воситаларига шундай тамойил ва мезонларни кенг тарқатиш ва ўз ходимлари учун тегишли ўқитишни амалга ошириш тавсия этилади.

4.3. ИБОДАТ ЁКИ ЙИҒИЛИШ ЖОЙЛАРИДА ТЕКШИРИШ, МОНИТОРИНГ ЁКИ ТИНТУВ ЎТКАЗИШ ВА ХАВФСИЗЛИК

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ибодат ёки йиғилиш жойлари терроризмга олиб борадиган радикаллашув ва мажбурлашни қўллаб-қувватлайдиган гуруҳларга одам ёллаш учун қулай муҳит сифатида қаралади. Иштирок этувчи давлатлар мазкур хавфсизликка нисбатан эҳтимолий таҳдидга турли усуллар, шу жумладан ибодат жойларига ташриф буюрадиганлар устидан текширувлар, сўровлар ва мониторинг ўтказиш билан ёндошишлари мумкин. Таъсир кўрсатишнинг қўшимча чоралари кўпинча тинтув учун ордерлар беришни ўз ичига оладики, бу маъмурларга ноқонуний фаолият кўрсатилганига далиллар излаш, айрим вазиятларда

полиция томонидан тинтув қилиш имконини беради. Гоҳида маъмурлар хавфсизлик нуқтаи назаридан муайян ибодат масканини ёпиш тўғрисида қарор чиқарадилар.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги маъносида ибодатлар ёки йиғилишлар жойларининг аҳамияти

Ишларни мустақил юритиш, жумладан ибодат ва йиғилиш жойларини бошқариш ва тасарруф этиш дин ёки эътиқодлар эркинлигининг таркибий қисми ва диний жамоатлар ҳамда муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар мустақиллигининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги диний жамоатлар ҳамда муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ҳаётида ибодат ва йиғилиш жойларига, шунингдек уларни тасарруф этилишига жавобгар ходимларга алоҳида мақом ва ўрин берадиган муҳим институционал мезонни ўз ичига олади. Ибодат жойлари ва йиғилиш масканлари бундай жамоатларда алоҳида функцияларни бажаради. Одатда улар тақводорларнинг учрашув жойи ва жамоат аъзоларининг эътиқоди ва урф-одатларига асосланган муҳим маросимларни ўтказиш маскани ҳисобланади. Бу жойлар яна якка ҳолда ёки жамоа бўлиб тиловат ва дуолар қилиш ҳамда ибодат қилиш, фикр юритиш ва сомеъ туриш маскани, шунингдек турли таълим, ижтимоий, маданий, хайрия ва инсонпарварлик тадбирлари учун майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу муносабат билан ибодат ва йиғилиш жойларига, шунингдек диний жамоат ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ўз мажбуриятларини бажараётган ходимларига дахл қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларга босиқлик ва эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим.

Бундан ташқари, эркаклар ва аёлларнинг ибодат ва йиғилишлар жойида ўзларининг дин ёки эътиқодлар эркинлигини амалга ошириш усуллар турлича эканини ҳисобга олиш лозим. Масалан, айрим диний жамоат ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларда аёллар ва эркаклар бир ерда учрашишади ва биргалиқда, битта умумий жойда ибодат қилишади. Бошқа жамоатларда ибодат ва намозда эркаклар ва аёллар алоҳида иштирок этишади ва ўз жинсига қараб турли биноларда бўлишади.

Алоҳида шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларига жавобан ибодат ва йиғилиш жойларига кириш имконини чеклаш ёки бу жойларни ёпиш масаласи

Айрим шахсларнинг эҳтимол тутилган нотўғри хатти-ҳаракатлари учун масъулият бутун диний жамоат ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга юкланмаслиги керак. «Аъзоларидан кимдир йўл қўйган қоидабузарлик учун у ёки бу диний жамоат фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки чек қўйишдан холи бўлиш керак. Бундай чоралар адолат нуқтаи назаридан муайян шахсларга тааллуқли бўлган амаллар учун жамоавий жазони умуман бутун жамоатга қўллашни билдиради»⁹².

Ибодат қилиш масканига ёки йиғилиш жойига кириш имконини чеклашни ёки унинг ёпиб қўйилишини алоҳида инсонларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари билан асослашни зарур ва мутаносиб таъсир чораси сифатида қабул қилиш мумкин эмас, чунки бундай чоралар алоҳида шахс ёки кичик бир шахслар гуруҳи хатти-ҳаракатлари учун бутун жамоатга

92 Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир дастурамал принциплар, 34-банд (кўрс. асар, 20-ҳавола); шунингдек, қаранг: *Бирлашиш эркинлигига доир дастурамал принциплар*, 236-банд (кўрс. асар, 30-ҳавола). Шунингдек қаранг: Руководящие принципы по защите правозащитников, Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2014, п. 209, <https://www.osce.org/odihr/guidelines-on-the-protection-of-human-rights-defenders>.

жазо қўллашни билдиради. Хавфсизлик нуқтаи назаридан бундай чоралар, агар давлатнинг амаллари туфайли юзага келадиган бегоналаш ва ранжитиш туйғулари кўринишидаги салбий оқибатлар эҳтимолини ҳисобга олганда, аксилсамарали бўлиши ҳам мумкин.

Ибодат ва йиғилиш жойларининг ёпилиши жамоатнинг яшаш қобилияти ва фаоллигига, шу жумладан унинг умуман жамият ҳаётига қўшадиган ҳиссасига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, ибодат қилиш ёки йиғилиш жойини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган вазиятда бу жараённинг инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқда дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқини чеклашга нисбатан кўзда тутилган қатъий мезонларга мутаносиблигини таъминлаш шарт.

Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоат томонидан ибодат ва йиғилишлар жойларини мустақил бошқариш давлат томонидан ишончни тақозо этади, бу ишончга кўра, тегишли ваколатлар қонун доирасида амалга оширилади. Ибодат ва йиғилиш жойларида амалга ошириладиган фаолиятини синчковлик билан мониторинг қилиш аниқ диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мажбуриятидир. Улар шуни таъминлашлари лозимки, мазкур фаолият тоқатсизлик, адоват ёки зўравонликка томон силжиш белгиларига эга бўлмасин, бу билан жамоатга ҳам, умуман жамиятга ҳам ҳимоя кафолатлансин. Бу камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват қилувчи нафрат ташвиқотига, шунингдек ибодат ёки йиғилиш жойида ҳозир бўлганлардан хавфсизликка ҳаққоний хавф туғдирадиганларга нисбатан етарлича ҳушёрлик қилиниши зарурлигини англатади. Шу муносабат билан, диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг етакчилари ва обрўли аъзолари камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этувчи нафрат ташвиқотига қарши қатъий ва дарҳол чиқишлари, бу

билан ўз жамоатларини бундай ташвиқотни тарқатаётган диндошларидан ажратиб олишлари муҳимдир⁹³.

Текширувлар ва мониторинглар ўтказиш шакллари ҳамда дин ёки эътиқодлар эркинлигига риоя қилиш масаласи

Текшириш (скрининг) турли шаклларда ўтказилиши мумкин, жумладан ибодат ёки йиғилиш жойларига кираётган ёки уларни тарқ этаётган одамларни текшириш; шахсий суҳбатлар ўтказиш; шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатишни талаб қилиш; шахсий кўрик ёки метал излаш мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш.

Ибодат ёки йиғилиш жойларига кираётган ёки уларни тарқ этаётган одамларни мониторинг қилиш усуллари видеокузатув тизимларидан фойдаланишни, телефон суҳбатларини эшитишни ёки бошқа электрон ташувчилардан ахборотни олишни қамраб олади. Мониторинг вақтинча ёки доимий, очик ёки яширин бўлиши мумкин; маросимларни ўтказиш ерлари билан чегараланиши ёки шу жойларда хизмат қиладиган руҳонийларнинг турар-жойларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Текшириш ва мониторинг одамлар томонидан шахсий ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқни амалга оширишга, ибодат ва маросимлар жойи маъносида эса – дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширишга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу муносабат билан, маъмурлар томонидан бундай ҳаракатлар қатъиян қонунга мувофиқ тарзда ўтказилиши шарт. Бу айниқса яширин кузатиш каби ҳолатларни қўллашда ўта муҳимдир. Ҳар қандай қабул қилинадиган чоралар барча инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

93 Beirut Declaration and its 18 Commitments on «Faith for Rights» [Бейрут декларацияси ва «Инсон ҳуқуқлари учун ишонч» ташаббусининг 18-мажбурияти], VII мажбурият, www.ohchr.org/Documents/Press/Faith4Rights.pdf.

қўланиладиган халқаро тамойилларга ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Ушбу масалада асосий мезон мутаносибликдир. Ҳар қандай махсус суриштирув усулларида (масалан, яширин кузатувдан) фақат сўнги чора сифатида фойдаланиш лозим ва бунда бир ёки бир неча муайян шахс ёхуд шахси (шахслари) ҳали аниқланмаган кимса томонидан жиддий жиноят амалга оширилган, тайёрланган ёки тайёрланаётганлигига етарлича асослар бўлганида фойдаланиш мумкин⁹⁴. Бундан ташқари, бундай чоралардан фойдаланишга суиистеъмол қилинишидан етарли ва самарали кафолатлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Масалан, кузатув олиб борилаётган вазиятда мустақил назоратни таъминлаш зарур, энг мақбули унинг суд идоралари томонидан олиб борилишидир.

Дин ёки эътиқод эркинлиги нуқтаи назаридан, кўрсатилган чоралар – агар улар зарур эҳтиёткорликсиз ва эътиборсиз амалга оширилса – диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар аъзолари томонидан ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюришни осонликча бузилиши мумкин. Жамоат аъзолари саралашнинг муайян шакллари (масалан, шахсий текширишга) салбий муносабатда бўлишлари ҳамда хавотир ёки қўрқув туйғуси туфайли умуман ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрмай қўйишлари мумкин. Натижада уларнинг диний биноларга эркин кириш ва тарқ этишини тақозо этадиган дин ёки эътиқодлар эркинлиги асоссиз чекланиши эҳтимолдир.

Текшириш ва мониторингнинг дин ёки эътиқодлар эркинлигини амалга оширишга таъсирини ҳисобга олган

94 Янада батафсил материалларни қуйидаги нашрларда топиш мумкин: Борьба с терроризмом и защита прав человека: руководство, Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2009 (особенно сс. 241-245), <https://www.osce.org/odihr/29103>; Права человека в антитеррористических расследованиях: практическое руководство для сотрудников правоохранительных органов, Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2014, с. 43, <http://www.osce.org/odihr/108930>.

қолда, иштирок этувчи давлатлар бу эркинликни чеклашга нисбатан кўзда тутилган шартларга қатъиян риоя қилишлари ва ҳамиша кўрилатган чоралар ҳақиқиятан ҳам зарурлигини ва улар эҳтимоли бўлган хавфсизликка таҳдидга мутаносиб эканлигини намойиш этишлари шарт. Давлатлар текширув ва мониторинг ўтказишга ҳақли бўлган ваколатли идоралар ходимларининг дин соҳасидаги саводхонлик масалалари бўйича етарлича тайёрланишини⁹⁵, тартибга аниқ риоя этган қолда ибодат ёки йиғилиш жойларига ташриф буюрадиган шахслар билан мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллашларини таъминлашлари керак.

Текшириш ёки мониторинг натижасида муайян ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрган шахслар томонидан олинган ахборот ва маълумотлар фақат уларни йиғишга сабаб бўлган мақсад учун ишлатилиши зарур, улар қонун бўйича бундай материалларни олиши, қайта ишлаш ва фойдаланишга ваколати бўлмаган учинчи шахсларга берилмаслиги керак. Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган маълумотлар ва ахборотлар фақат қонун билан ўрнатилган вақт мобайнида сақланиши, кейин ишончли ва хавфсиз тарзда дарҳол йўқ қилиниши шарт⁹⁶.

95 2013 й. Киевда ЕХХТ Вазирлар кенгаши иштирок этувчи давлатларни диний ҳамжамиятлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ҳамжамиятлар билан давлат органлари ўртасидаги мулоқотни, зарур ҳолларда, ибодат жойлари ва диний мол-мулкдан фойдаланишга доир масалалар бўйича ҳам амалга оширишга кўмаклашишга чақирди (Вазирлар кенгаши Қарори № 3/13, кўрс. асар, 8-ҳавола).

96 Ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳимоя қилиш бўйича дастурамал принциплар, 87-б., кўрс. асар, 92-ҳавола. Шунингдек қаранг: Шахсий характердаги маълумотларга автоматик тарзда ишлов беришга нисбатан хусусий шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, Европа кенгаши, СЕД № 108, 1 октябр, 1985 й., <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/108>; Шахсий характердаги маълумотларга автоматик тарзда ишлов беришга нисбатан хусусий шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга назорат идоралари ва маълумотларни трансегаравий алмашишга оид Кўшимча протокол, Европа кенгаши, СЕД № 181, июл, 2004 й., <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/181>.

Тинтувлар ўринли ҳисобланадиган вазиятлар

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига кўра, давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар дин ёки эътиқод эркинлигини амалга оширишга имкон қадар энг кам аралашувни кўзда тутиши лозим. Ибодат ёки йиғилиш жойларини тинтув қилиш – фавқулодда чора бўлиб, у бутун диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ҳаётини жиддий тарзда бузиши ва уларнинг адолат ва шундай жамоатларга ҳурмат кафолати бўлган давлатга нисбатан ишончига путур етказиши мумкин. Шу муносабат билан тинтувни фақат энг сўнгги чора сифатида кўриб чиқиш шарт.

Агар ибодат ёки йиғилиш жойларида жиноят содир этилаётганига ёки тайёрланаётганига етарлича далиллар мавжуд бўлса, бу жойлар тинтув ўтказишдан озод қилинмайди. Шунга қарамасдан, тинтув шундай тарзда ўтказилиши керакки, токим ибодат ёки йиғилиш жойларида амалга оширилаётган фаолият имкон қадар оз бузилсин. Бундан ташқари, тинтув – агар уни тинтув мақсадлари учун зарарсиз ўтказиш мумкин бўлса – ибодат ёки йиғилиш жойларини тасарруф этиш учун масъул шахсларнинг розилиги билан ва уларнинг ҳамкорлигида ва иштирокида ўтказилиши керак. Айни пайтда давлат маъмурлари тегишли диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар билан очиқ ва шаффоф мулоқот олиб бориши лозим⁹⁷.

Муайян ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрган инсонларни тинтув қилиш ёки текшириш, муайян вазиятларда хавфсизликни таъминлаш мақсадларида зарур бўлиши мумкин, бироқ, шу билан бирга, улар исталмаган оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Гап стереотиплар шаклланиши, бутун диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга таъма босилиши, шунингдек давлат ҳокимияти ва тегишли ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрган

97 ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг № 3/13-рақамли қарори, кўрс. асар., 8-ҳавола.

инсонлар ўртасида ўзаро ишончсизлик юзага келиши ҳақида бормоқда. Натижада диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар аъзолари ҳокимият идораларига нисбатан ранжиш туйғусини сезишлари ва ҳамкорлик қилишни истамай қолишлари мумкин.

Ўрта муддатли ва узоқмуддатли истиқболда бундай ишончсизлик хавфсизликнинг заифлашувига олиб келиши мумкин.

Текширув, мониторинг ва тинтув ўтказишда ҳисобга олиниши керак бўлган гендер масалалари

Текширув, мониторинг ва тинтув сингари чоралар жиддий гендер муаммоларини юзага келтиради. Масалан, муайян ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрганда текширилиши ва мониторинг қилиниши лозим бўлган одамларнинг баён этилиши камситишга оид, хавфсизликнинг ҳаққоний муаммоларига алоқаси бўлмаган стереотип гендер тахминларидан келиб чиқиб тузилиши мумкин. Айрим вазиятларда эркаклар номутаносиб юқори даражада шахсни аниқлаш ва хавфсизлик мақсадларида сўров ўтказиш объекти ҳисобланадилар. Бошқа вазиятларда хотин-қизлар номутаносиб тарзда шахсни аниқлаш ва юзини ёки бошини ёпган кийимларни ечиш заруриятига доир талабларга дучор бўлишлари мумкин. Бундай вазиятлар шунга олиб келиши мумкинки, эркаклар ва аёллар, турли сабаблар ва турли вазиятларда, ибодат ёки йиғилиш жойларига боришдан ўзларини тиядилар. Бунинг натижасида уларнинг оила аъзолари ҳам (айниқса, мазкур эркаклар ва аёллар ота-оналар бўлишса) бундай жойларга ташриф буюришдан маҳрум бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, текширув ва мониторинг қилиш ёки тинтув ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишда, давлатлар жинсига кўра камситишнинг эҳтимоли таҳликасини ҳисобга олишлари керак, диний жамоатлар

ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар билан мулоқот қилиш орқали, бу чораларни жорий этмасликлари ёки имкон қадар кам миқёсда қўллашлари керак. Хавфсизлик мақсадларида шахсини аниқлаш учун қайсидир кийимлар қисмини ечиш, шунингдек кўриқдан ўтказиш талабига нисбатан умумий қоида шуки, бундай чоралар фақат текширилувчи шахс билан айна жинсдан бўлган хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ва алоҳида ёпиқ хонада амалга оширилиши керак. Ҳокимият идоралари шунингдек фақат муайян жинс вакиллари бўлган диндорлар учун ажратилган хоналарда ва ибодат ёки йиғилиш жойларида тинтув ўтказадиган шахслар шу бинодан фойдаланадиган шахслар билан бир жинсдан бўлишларини таъминлашлари лозим.

Тавсиялар

Иштирок этувчи давлатлар учун

1. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ибодат ёки йиғилиш жойларида текширув, мониторинг (жумладан ошқора ва яширин кузатув) ва тинтув қилишга оид ҳужжатда мустаҳкамланган қоидалар мавжуд бўлишини таъминлашлари лозим. Бундай қоидалар тегишли жараёнларни кўзда тутиши ва мунтазам қайта кўриб чиқилиши керак. Ошқора кузатиш жараёнлари маълум этилиши шарт.
2. Иштирок этувчи давлатлар диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ибодат ёки йиғилиш жойларида текшириш, мониторинг қилиш ва тинтув ўтказиш қоидалари инсон ҳуқуқларига оид қўлланиладиган халқаро мезонларга ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлашлари лозим.

3. Ибодат маросими ёки йиғинлари ўтказиладиган жойларни текшириш ва мониторинг қилиш қатъий зарурат бўлган вазиятда ва сўнгги чора тариқасида қўлланилиши лозим; улар имкон қадар кам аралашувни кўзда тутиши ва тахмин этилаётган хавфга мутаносиб бўлиши керак.
4. Ибодат ва йиғилиш жойларида текшириш ва мониторинг, имкон қадар, тегишли диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг розилиги билан ўтказилиши зарур. Ҳали бу чоралар амалга оширилмасдан туриб, давлат мажбурлаш ва хавфсизликка таҳдидни мазкур жамоат билан тенглаштирмаслигини баён этиши шарт.
5. Муайян ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрадиган инсонларни текшириш ёки мониторинг ўтказишдан олдин, иштирок этувчи давлат диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар етакчилари билан мазкур ибодат ёки йиғилиш жойларида камситиш, адоват ёки мажбурлашга даъват қилишда гумонланаётган шахсларга нисбатан ўзининг хавотирларини муҳокама этиши керак.
6. Муайян ибодат ёки йиғилиш жойларни текшириш ёки мониторинг ўтказишдан олдин, иштирок этувчи давлат хавфсизлик муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадларида аввал аралашуш билан кам даражада боғлиқ чоралардан фойдаланиш мумкин ёки мумкинмаслигини аниқлаш учун диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар билан мулоқотга киришиши лозим.

7. Текшириш ва мониторингдан фойдаланиш вазиятида давлат бу чораларни жорий этиш мобайнида ва улар тугаганидан сўнг мулоқот ўтказилиши ва жамоатнинг давлат институтларига нисбатан ишончининг тикланишига йўналтирилган ташаббуслар амалга оширилишини таъминлаши лозим.
8. Иштирок этувчи давлатлар ваколатли идораларнинг ибодат ва йиғилиш жойларида текшириш, мониторинг ва тинтув ўтказиш учун жавобгар ходимларини динлар соҳасида ва дин ёки эътиқодлар эркинлиги соҳасида саводхонлик масаласи бўйича тайёрлашни таъминлашлари лозим. Ҳокимиятлар бу ходимларда диний ибодат ёки йиғилиш жойларига ташриф буюрадиган шахслар билан етарлича зарур эҳтиёткорлик билан муомала қилиш, уларнинг шаъни, қадр-қиммати ва дин ёки эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қилиш кўникмаларини шакллантиришни таъминлашлари шарт.
9. Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва хавфсизлик хизматлари ходимлари ибодат ёки йиғилиш жойларида текшириш, мониторинг ёки тинтув ўтказётганда риоя этиши керак бўлган принципларни жамлаган дасурамал кўрсатмаларни ишлаб чиқишлари лозим.
10. Иштирок этувчи давлатлар ибодат ёки йиғилиш жойларида текшириш, мониторинг ёки тинтув ўтказиш топширилган ходимлар эҳтимол тутилган эркаклар ва аёлларга дахлдор алоҳида масалалар (жумладан бу жойларда эркаклар ва аёллар ўзларининг дин ёки эътиқод эркинлини амалга оширишининг мумкин бўлган усулларидаги

тафовутлар) тўғрисида хабардор бўлишларини ва бундай масалаларни ҳал этишга ўргатилишларини таъминлашлари лозим.

11. Иштирок этувчи давлатлар текшириш, мониторинг ва тинтувга дучор бўлган шахслар шикоят қилишнинг самарали тартибидан фойдаланиш имконига эга бўлишларини таъминлашлари зарур.
12. Иштирок этувчи давлатлар муайян ибодат ёки йиғилиш жойига ташриф буюрган шахсларни текшириш, мониторинг ва тинтув қилиш мобайнида олинган ахборотлар ва маълумотлар қўлланиладиган шахсий маълумотларни тўплаш, ҳимоялаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишланишини таъминлашлари керак.
13. Ибодат ёки йиғилиш жойининг ёпилишининг жиддий салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, давлатлар бу ишни муайян вазиятларда ўта зарур энг сўнгги чора сифатида қўллашлари керак. Бу чорадан фақат хавфсизлик муаммоларини ҳал этишнинг бошқа муқобил ёндошувлари синчиклаб кўриб чиқилганидан (ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар билан муҳокама қилгандан) сўнг фойдаланиш лозим.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар учун

14. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга камситиш, адоват ва зўравонликни тарғиб этадиган даъватлардан иборат нафратни тарғиб қилишга, шунингдек ибодат ёки йиғилиш жойида ҳозир бўлганларнинг

бирортасининг хавфсизликка ҳаққоний хавф соладиган ҳаракатларига нисбатан етарлича хушёрликни намоён қилиш тавсия этилади.

15. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар етакчиларига камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этишдан иборат бўлган нафрат тарғиботини кескин ва дарҳол қоралаб чиқиш ва бу билан ўз жамоатларини бундай тарғиботда иштирок этаётган диндошларидан ажратиб олиш тавсия этилади.

Фуқаролик жамияти учун

16. Фуқаролик жамияти ташкилотларига диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар етакчиларининг камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этишдан иборат бўлган нафрат тарғиботини кескин ва дарҳол қоралаб чиқишларига қарши саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тавсия этилади.
17. Фуқаролик жамияти ташкилотларига камситиш, адоват ва мажбурлашга даъват этишдан иборат бўлган нафрат тарғиботига қарши туриш, нафрат объекти бўлганларни ҳимоя қилишлари тавсия этилади.

Оммавий ахборот воситалари учун

18. Оммавий ахборот воситалари диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлардаги ҳодисалар атрофидаги шов-шувлар, ўз манфаатини кўзлаган, олди-қочди гаплардан холи бўлишлари керак. Масалан, бирор ибодат ёки йиғилишлар жойида ўтказилган текшириш,

мониторинг ёки тинтув мазкур жамоатнинг ноқонуний фаолиятда иштирокидан дарак берадиган далил сифатида келтирилмаслиги керак.

19. Оммавий ахборот воситалари бундай масалаларни ўрганиш ва ахлоққа мувофиқ ёритиш, алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг қилмишларини бутун жамоатнинг фаолияти билан аралаштирмаслик учун барча саъй-ҳаракатларни қилишлари лозим.

4.4. ЎЗ ДИНИГА ДАЪВАТ ҚИЛИШ ВА ДИНИЙ ЖАМОАТЛАР ЁКИ МУАЙЯН ЭЪТИҚОДЛАРГА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ЖАМОАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА, ХОРИЖИЙ АЛОҚАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЧЕКЛОВЛАР

ЕХХТ минтақасидаги зўравонликсиз, ишонтириш ёрдамида инсонларни ўз эътиқодига жалб этиш учун ҳаракат қилаётган айрим диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар жамият томонидан таъқиб ва адоват объектига айланишлари мумкин. Шу сабабли иштирок этувчи давлатлар бундай фаолиятга жамоат тартибини ва динлараро уйғунликни бузадиган ҳамда тинч-тотув яшашга хавф соладиган фаолият сифатида қарашлари мумкин.

Бунга жавобан давлатлар гоҳида зўравонликсиз, ишонтириш ёрдамида инсонларни ўз эътиқодига жалб этиш учун қилинадиган ҳаракатни чеклайдиган ёки дин ёхуд эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқини қийинлаштирадиган чоралар жорий қиладилар. Агар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўз қароргоҳларида хорижий миссионерларни қабул қилсалар ёки уларнинг мамлакат ташқарисида алоқалари ёхуд юқори турадиган

тузилмалари мавжуд бўлса, маҳаллий муҳитда янги диний ёки бошқа амалиётларга нисбатан шубҳа-гумонлар кучайиши мумкин. Бундай вазиятларда давлат томонидан қўлланиладиган таъсир кўрсатиш чоралари гоҳида хорижий миссионерларни мамлакатдан бадарға қилишни ўз ичига олиши мумкин.

Мажбурлашсиз ишонтириш тушунчаси

Мазкур ҳужжатда «мажбурлашсиз ишонтириш» тушунчасидан бошқа инсонларни мажбурлаш, қўрқитиш, таҳдид қилишни ёки босим ўтказишнинг бошқа ноқонуний шакллари қўлламадан ўз динига ёки эътиқодига киргизиш, алоқалар ва хатти-ҳаракатларни белгилаш учун фойдаланилади⁹⁸. Бу ерда «прозелитизм» атамасидан фойдаланилмайди, чунки у унчалик аниқ эмас ва салбий маънога эгадир. Мазкур ҳужжатда «миссионер» атамаси асосий вазифаси диндан шоҳидлик бериш ва уни ўқитиш, маъруза қилиш ва бошқа усуллар билан бошқа динга эътиқод қиладиган ёки умуман ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган одамлар ва/ёки жамоатлар орасида ташвиқот қиладиган шахсни англатади. Миссионерлик фаолияти алоҳида инсонлар ёки муайян гуруҳлар ёхуд жамоатлар билан чегараланиб қолмайди.

Дин ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқи

Ўз динини ёки эътиқодини қабул қилиш ёки ўзгартириш ёхуд улардан воз кечиш деб англанадиган дин ёки эътиқодни ўзгартириш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ томонидан мутлақ ҳимоя

98 «Мажбурлашсиз ишонтириш» атамасини қаранг: БМТнинг дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачисининг БМТ Бош Ассамблеясига маърузаси, UN Doc. A/67/303, 2012 й. 13 август, <https://undocs.org/A/67/303>.

қилинади, чунки у ҳар бир инсоннинг дин ёки эътиқодлар эркинлигининг ички мезонига тааллуқлидир (forum internum). Ўз динини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқи ЕХХТнинг мажбуриятларида ҳам эътироф қилинган⁹⁹. Ўз динини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқини жинойий ёки фуқаровий-ҳуқуқий жазолар ёрдамида ёки оғирлаштирадиган маъмурий чоралар (масалан, давлат ҳокимияти вакиллари олдидан хабардор қилиш ёки динни ўзгартириш учун улардан рухсат олиш кабиларни) жорий этиш орқали чеклашга йўналтирилган ҳар қандай меъёрий қоидалар дин ёки эътиқодни қабул қилиш, ҳеч қандай динни қабул қилмаслик ёхуд дини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқининг мутлақ хусусиятига зиддир.

Мажбурлашсиз даъват қилиш билан шуғулланиш ҳуқуқи дин ёки эътиқодлар эркилиги ва фикрни ифода этиш эркинлигининг қисми сифатида

Инсонлар бошқа инсонларни мажбурлашсиз даъват қилишга оид фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ дин ёки эътиқодлар эркинлигининг қисмидир. Диний ёки диний бўлмаган эътиқодларга амал қилиш ҳуқуқи бошқа инсонларни ўз дунёқарашининг ҳаққонийлигига ва бу дунёқарашнинг ҳамда у билан боғлиқ амалиётларнинг тўлақонли ва онгли ҳаёт учун муҳимлигига ишонтиришга уриниб кўриш эркинлигини ўз ичига олади. Айни пайтда кўплаб тақводорлар учун ўзининг даъватини бошқа одамлар ўртасида тарқатиш диний бурч ҳисобланади. Айни пайтда бошқа инсонларни мажбурлашсиз ишонтириш ҳуқуқи фикрни ифода этиш эркинлигида кўзда тутилган ҳимоядан фойдаланади, бу ҳуқуқ ўз ичига «давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёхуд ифодалашнинг бадиий шакллари ёхуд ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади»¹⁰⁰.

99 Копенгаген ҳужжати 1990 й., Киев ҳужжати 2013 й.

100 ФСХХП, 19-модда.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги шунингдек ҳеч қандай дин ёки эътиқодларга эга бўлмаслик, дин ёки эътиқодларга парво қилмаслик ва бирор бир динга даъват қилиш объекти бўлмаслик ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Бу ҳуқуқ *forum internum*нинг бир қисми ўлароқ, мутлақ ҳимоядан фойдаланади.

Бошқа инсонларни алоқалар ёрдамида дин ёки эътиқодлар соҳасидаги масалаларга нисбатан ишонтиришга уриниш ҳуқуқи мутлақ эмас ва муайян вазиятларда – хусусан, бундай уриниб кўришлар уларга нисбатан ёши (масалан, мактаб муҳитидаги ёшларга) ёки руҳий хасталиги туфайли ўта заиф бўлган шахсларга йўналтирилганда чекланиши мумкин.

Шунингдек мажбурлашга тенг ишонтириш усулларида фойдаланишга нисбатан умумий чекловлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агар гап иерархий муносабатлар ҳақида борса, яъни итоатдаги шахс юқори турувчи шахснинг ўз эътиқодига киритиш истагига қарши тура олмаса, алоҳида ёндошув қўлланилиши мумкин.

Шу билан бирга, давлатнинг ишонтиришнинг керакли ёки нокерак усуллари чегаралаш борасидаги саъй-ҳаракатлари қийинчиликлар билан боғлиқ ва бу дин ёки эътиқодлар масалалари бўйича мулоқотларга тийиб турувчи таъсир ўтказиши мумкин. Мажбурлашсиз ишонтириш билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклашлар ФСХҲПнинг 18(3) моддасида кўзда тутилган барча мезонларга тўлиқ мувофиқ бўлгандагина оқланиши мумкин. Бу шуни англатадики «ҳар қандай чекловлар юридик асосларни тақозо этади, улар қонуний мақсадларни кўзлаши лозим, аниқ ва равшан белгиланган бўлиши шарт, мутаносиб бўлиши керак ва камситувчи тарзда қўлланиши мумкин эмас»¹⁰¹. Энг муҳими, давлат муайян фаолият турлари мажбурлаш билан тенг экани борасида аниқ далилларни ҳавола этиши лозим, аксинча вазиятларда дин

101 БМТнинг Дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачисининг маърузаси, 28-б, кўрсатилган асар, 98-ҳавола.

ёки эътиқодлар мавзусидаги осойишта суҳбатга чақириш ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши ёки чекланиши мумкин.

Мажбурлашсиз ишонтириш мақсадларидаги ҳаракатлар сабабли хавотирлар, айниқса, агар бу саъй-ҳаракатлар яқинда ташкил топган ёки нисбатан озчилик бўлган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар томонидан амалга оширилган бўлса, сиёсатчилар томонидан тўғри бўлмаган тарзда бу жамоатларнинг қонуний фаолиятини хавфсизликни ва жамоат тартибини таъминлаш баҳонасида асоссиз чеклашлар жорий этиш учун фойдаланишлари мумкин. Бундай жамоатлар, «муқобил ҳақиқиатлар»ни тарғиб қилар ёки «диний ҳис-туйғуларни таҳқирловчи», анъанавий қадриятлар ҳамда бутун жамиятнинг меъёрларига номувофиқ ҳисобланадиган, исталмаган диний ёхуд конфессионал баёноتلар билан чиқар экан, хавфсизликка таҳдид солувчи сифатида айбланишлари мумкин. Натижада бу жамоатлар ўзларининг дин ёки эътиқодлар эркинлигининг йўл қўйиб бўлмайдиган чекловлари билан тўқнашишлари мумкин. Айки пайтда ўз эътиқодига мажбурлашсиз жалб этиш бўйича ҳаракат қилаётган шахслар ва жамоатлар хурофотлар, шубҳа-гумонлар ва салбий стереотиплар объектга айланишлари, бу стереотиплар уларга нисбатан адоватга ва зўравонликка олиб келиш эҳтимоли ҳам мавжуддир.

Давлат дин ёки эътиқодини ўзгартириш, бошқа инсонларни мажбурлашсиз ишонтириш йўли билан ўз эътиқодига даъват этиш ҳуқуқини эркин ва тўла амалга ошириш учун ҳуқуқий чегаралар ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаши лозим. Бу, бошқа талаблардан ташқари, давлат шахсларнинг дини ёки эътиқодларини ўзгартириш (яъни дин ёки эътиқодни қабул қилиш, амал қилишни тўхтатиш ёки ўзгартириш) ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозимлигини англатади, шунингдек давлат бошқаларни ўз эътиқодига мажбурлашсиз жалб этиш билан шуғулланадиган шахслар ва жамоатларни ҳам мажбурлашдан, қўрқитишдан, таъқибдан ва камситишдан ҳимоя қилиши лозим.

Фақат инсонлар янги ғоялар ҳақида билиш, ахборот олиш ва тарқатишлари мумкин бўлгандагина, дин ёки эътиқодлар эркинлигини тўлақонли амалга ошириш имкони бўлади. Бугун юз бераётган алоқа имкониятларининг доимий кенгайиши, шунингдек бу билан боғлиқ таъсирланиш ва уюшиш андозаларидаги ўзгаришлар асносида, давлат ва бошқа манфаатдор томонлар динлар ёки эътиқодлар ҳурфикрлигига асосланган хавфсизликка ва ижтимоий жипсликка интилишлари лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди давлатларнинг «ҳурфикрликнинг муқаррар оқибатлари»дан таъсирланишларини муҳокама қилар экан, шуни кўрсатдики, «бундай вазиятларда маъмурларнинг роли жиддийлик сабабларини демократик амалиётдаги ҳурфикрликни бартараф этиш йўли билан эмас, рақобатчи гуруҳларнинг бир-бирларига нисбатан бағрикенглиklarини таъминлаш орқали ҳал қилишдадир»¹⁰².

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳукмрон ёки таъсир кучига эга бўлган диний жамоатлар / муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар янги жамоатларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишида таҳдидни кўришлари ва уларнинг бу ҳодисага қарашлари бошқа динга жалб қилиш ҳолатлари билан боғлиқ жамоатчилик тартибини бузишларга (масалан, оммавий намоишларга) олиб келиши мумкин. Бу маънода давлатлар жамоат тартибини сақлашга доир чоралар тўғрисидаги қарорлар уюштирилган норозиликлар ёки тахмин қилинаётган фитнакорликка кучайтирилган таъсирланиш асносида қабул қилинмаслигини таъминлашлари керак, чунки бу дин ёки эътиқодлар эркинлигининг қонуний кўринишлари тизгинсиз ва ғайриҳуқуқий тарзда чекланишларга олиб келиши мумкин.

102 Serif v. Greece [Шериф Грецияга қарши], Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (38178/97 – рақамли ариза, 1999 й. 14 декабр қарори.), 53-б.

Миссионерлик фаолиятини олиб борадиган хорижий фуқаролар ёки руҳонийларга нисбатан хавфсизлик билан боғлиқ хавотирларни камайтириш учун жорий этиладиган хатти-ҳаракатлар

Қоида тариқасида, хорижий фуқаролар ёки руҳонийларнинг («хорижий миссионерлар»нинг) ўз эътиқодига даъват қилишга доир фаолияти, гарчанд бу шахслар ўз алоқаларида маҳаллий тақводорлардан кўра ишончлироқ ва таъсирлироқ бўлса ҳам, хавфсизлик соҳасида ҳеч қандай муаммолар туғдирмайди.

Бирор-бир шахсларга муайян динга ёки эътиқодлар тизимига мансублиги асосида мамлакатга кириш ва яшашни ман қилиш керак эмас. Бу шахслар аввал ўз эътиқодларига мажбурлаб жалб этиш ёки камситиш, адоват ёхуд зўравонликка даъват этувчи нафрат ташвиқоти билан шуғулланганлари, ёки қабул қиладиган мамлакатда шундай фаолият билан шуғулланишни режалаштирганликлари ҳақида аниқ маълумотлар бўлган вазиятлар бундан мустаснодир. Мамлакатга киришда виза олиш талаб қилинганда, уни бериш қоидалари (одатда виза талабгори тўғрисида батафсил ахборот сўралади) талабгорнинг ўз мамлакатадаги ахлоқини тўттекшириш имкони бўлади. Қоида тариқасида, бундай чоралар хорижий фуқароларга, шу жумладан, руҳонийларга оид ҳар қандай масалаларни ҳал этиш учун етарлидир. Хавфсизликка нисбатан хавотирлар виза олиш учун берилган аризаларни янада синчковлик билан текширишни талаб қилиши мумкин, бироқ барча руҳонийлар учун мамлакатга киришни ман этиш зарурият мезонига мувофиқ эмас.

Тавсиялар

Иштирок этувчи давлатлар учун

1. Иштирок этувчи давлатлар хавфсизликка нисбатан хавотирлардан шахсларнинг дин ёки эътиқодини ўзгартириш (дин ёки эътиқодини қабул қилиш, амал қилишни тўхтатиш ёки ўзгартириш) ҳуқуқларини чеклаш учун сабаб сифатида фойдаланмасликлари лозим, бу ҳуқуқ халқор ҳуқуққа мувофиқ мутлақ ҳимоядан фойдаланади. Шу муносабат билан мазкур ҳуқуқнинг амалга оширилишига халақит берадиган ёки амалга оширишни қийинлаштирадиган барча жиноий, фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий чоралар бекор қилиниши шарт.
2. Иштирок этувчи давлатлар янги эътиқодга кирганларни мажбурлашдан, таъқиблардан, қўрқитишдан ёки камситишдан ҳимоя билан таъминлашлари, уларга дин ёки эътиқодлар эркинлигидан тўлақонли фойдаланишларига шароит яратиши керак.
3. Иштирок этувчи давлатлар шуни таъминлашлари керакки, шахслар ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мажбурлашсиз ишontiриш йўли билан ўз эътиқодларига даъват қилиш билан шуғулланиш ҳуқуқларини (масалан, агар шундай ҳаракатлар мажбурлашдан фойданланаётганига ёки мажбурлаш, адоват ёки камситишга олиб боровчи нафрат ташвиқотига айланганига далиллар бўлганда) ҳар қандай чеклашлар ФСХХПнинг 18(3)-моддасида кўрсатилган барча мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

4. Иштирок этувчи давлатларга диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мулоқот ва ҳамкорлик ёрдамида ўз эътиқодига даъват этиш билан боғлиқ ҳар қандай жиддийлик ёки хавотирларни бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларини қўлаб-қувватлаш тавсия қилинади.
5. Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва хавфсизлик хизматлари ходимлари, шунингдек бошқа мнасабдор шахслар зарур тайёргарлик ва дастурамал кўрсатмаларни олишларини таъминлашлари керак, натижада улар ўз вазифаларини бажаришда инсонларнинг ўз дин ёки эътиқодларини ўзгартириш ҳуқуқини ҳам, бошқа инсонларни мажбурлашсиз ишонтириш орқали ўз эътиқодига жалб этишга бўлган ҳаракатларини ҳам ҳурмат қилишлари шарт.
6. Иштирок этувчи давлатлар мамлакатга хорижий фуқаролар, шу жумладан руҳонийлар кириши ва яшашини уларнинг дини ёки эътиқодлари асосида чекламасликлари лозим, фақат бу шахслар ўтмишда ўз эътиқодларига мажбурлаб жалб этиш ёки камситиш, адоват ёхуд мажбурлашга даъват этувчи нафрат ташвиқоти билан шуғулланганлари, ёки қабул қиладиган давлатда шундай фаолият билан шуғулланишни режалаштирганликлари ҳақида аниқ маълумотлар бўлган вазиятлар бундан мустаснодир. Мамлакатга кириш ва яшашга доир ҳар қандай чекловлар ёки кириш руҳсатномасини бекор қилишлар миллий қонунчиликка тўла мос бўлиши шарт.

Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар учун

7. Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар, шу жумладан, уларнинг етакчилари шаъни тан олишлари лозимки, динни ёки эътиқодларни ўзгартириш (шу қатори диний эътиқодларни атеизмга ёки агностицизмга ўзгартириш, ва аксинча) мутлақ ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланадиган дин ёки эътиқодлар эркинлигининг ажралмас таркибий қисмидир.
8. Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг етакчилари бошқаларни ўз динига жалб этиш ҳуқуқини анъанавий қадриятларни ҳимоя қилиш ёки ижтимоий жипсликни таъминлаш нуқтаи назаридан чеклаш даъватларидан ўзларини тийиб туришлари лозим.
9. Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ўз динини ёки эътиқодларини тарқатишнинг бошқа шахсларнинг дин ёки эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қиладиган ва шундай ҳаракатлар қилинаётган маданий ҳамда ижтимоий маънони ҳисобга оладиган усулларини ривожлантириш тавсия қилинади; шунингдек диндорларни бошқа инсонларнинг танловини ҳурмат қилишдан дарак берадиган мулоқот усуллари ва услубларига ўргатиш тавсия қилинади.
10. Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга, шунингдек конфессиялараро идораларга ёки кенгашларга

ихтиёрий ахлоқ кодексларини ёки ўз дини ёки эътиқодларини мажбурлашсиз тарқатиш масалларига оид дастурамал принципларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

11. Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга расмий ва норасмий шароитларда мулоқот ва ҳамкорлик ёрдамида ўз эътиқодига жалб этиш фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай жиддийликни ёки хавотирларни бартараф этиш учун саъй-ҳаракатлар қилиш тавсия этилади. Давлатларга бу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш тавсия этилади.

Фуқаролик жамияти учун

12. Фуқаролик жамиятлари ташкилотларига диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мулоқот ва ҳамкорлик ёрдамида ўз эътиқодига жалб этиш фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай жиддийликни ёки хавотирларни бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларини дастаклаш тавсия этилади.
13. Фуқаролик жамиятлари ташкилотларига диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ихтиёрий ахлоқ кодексларини ёки ўз дини ёки эътиқодларини мажбурлашсиз тарқатиш масалларига оид дастурамал принципларни ишлаб чиқишга доир ҳаракатларини дастаклаш тавсия этилади.

14. Фуқаролик жамияти ташкилотларига мажбурлаш, сиқувга олиш, қўрқитиш ёки камситишга дучор бўлаётган янгидан эътиқодга кирган шахсларга эътибор қилиш ҳамда уларга тегишли ёрдамни ҳавола қилиш тавсия этилади, токим улар ўзларининг дин ва эътиқодлар эркинлигидан тўлақонли фойдалана олсин.

Оммавий ахборот воситалари учун

15. Давлат ва хусусий оммавий ахборот воситаларига ўз эътиқодига даъват қилиш бўйича фаолиятга доир холис ва аниқ ахборотни, шу жумладан янгидан эътиқодга кирган шахсларнинг ўзларининг дин ёки эътиқодлар эркинлигини амалга ошириш ҳуқуқи борасидаги ахборотни ҳавола этиш тавсия қилинади.

